

КИШЛОК ХУЖАЛИК ХАЙВОНЛАРИ МОРФОЛОГИЯСИ

Тошкент - 2007

Сизга тавсия этилган **“Кишлоқ хужалик хайвонлари морфологияси”** фани буйича маъруза матнлари тасдиқланган намунавий дастур асосида ёзилган булиб, ушбу фанга доир асосий тушунчалар ва маълумотлар киска баён этилган. Фанни чуқур ва мукаммал эгаллаш учун курсатилган адабиётлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Сизга такдим этилаётган ушбу маъруза матнлар фанни урганишда илмий ва услубий ёрдам курсатади деган умиддамиз ва уз навбатида Сизга омад тилаймиз.

Маъруза матнлари талабалар, илмий ходимлар ва уқитувчилар учун мулжалланган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Биология фанлари номзоди, доцент **Э. Тошпулатов**
Катта уқитувчи **М.Маннапова**

ТАКРИЗЧИЛАР:

Биология фанлари номзоди, доцент **С.Туйчиев**
Кишлоқ хужалик фанлари номзоди, доцент **А. Бакиров**

Маъруза матнлари Ветеринария асослари кафедрасининг 2007 йил 5-сонли ҳамда уқув-услубий кенгашининг 2007 йил 2-сонли қарорлари билан маъқулланган.

МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ

АДАБИЁТЛАР

1. Нарзиев Д.Х. Хайвонлар анатомияси, Т.: “Мехнат”1986
2. Кодиров Э. “Гистология” Т.: “Укитувчи” 1994
3. Алимов Д.А. Гистология ва Эмбриология. Т. “Укитувчи”
4. Вракин В.Ф. “Морфология сельскохозяйственных животных” М.: “Колос” 1984.
5. Сидорова М.В. М.: ВО “Агропромиздат” 1991
6. Акаевский А.И. Анатомия домашних животных М.: “Колос” 1975
7. Сидорова М.В. Давидова Практикум по анатомии с основами гистологии Л.: “Сельхозиздат” 1985
8. Вракин В.Ф. и эмбриологии сельскохозяйственных животных М. “Колос” 1982.

1-МАВЗУ: КИРИШ. МОРФОЛОГИЯ ХАКИДА ТУШУНЧА ВА УНИНГ ТАРИХИ.

Режа:

1. Кириш.
2. Морфологияга оид тарихий маълумотлар
3. Хайвонлар организмнинг функциялари
4. Хужайра хакида тушунча

Адабиётлар: 1 , 2, 4, 6.

1. Ер юзидаги куп хайвонлар тузилиши, катта кичиклиги ва яшаш шароитига кура жуда хилма-хил булади. Лекин улар канчалик хилма хил булмасин, келиб чиқиши жихатидан бир-бирига яқин қариндошдир.

Биология бир канча соҳаларга: морфология, физиология ва бошқа соҳаларга бўлинади.

Морфологияда қуйидаги мустақил бўлимлар: анатомия организмнинг тузилишини ва ташки муҳит билан муносабат равишда боғлиқ ҳолдаги тараккиётини урганади); эмбриология (эмбрионнинг ривсжланишини урганади) ва эволюцион морфология (хайвонлар организмнинг факат онтогенезини – индивидуал ривожланишини эмас, балки филогенезини – тарихий ривожланишини ҳам урганади ажралиб чиққан.

Анатомия фани урганиш методикаси ва усулларига кура маркопик, микрокопик ҳамда макрокопик қисмларга бўлинади. Макрокопик анатомияда хайвон организм ва унинг таркибий қисмлари пичок, скальпель ёрдамида майда булақларга бўлиб урганилади.

Микрокопик анатомияда тананинг энг майда қисмлари микрокоп ёрдамида мураккаб усул билан текширилади. Хайвонлар органларининг шакли, ҳажми, ранги, каттик-юмшоқлигини ҳамда бир-бирига бўлган муносабатини ва таркибий тузилишини систематик анатомия урганади.

Хайвонлар ёшига қараб тузилиши узгаришини урганадиган анатомия ёш анатомияси, хайвон организм конституциясини урганадиган анатомия конституционал анатомия, хайвонларнинг зотини урганадиган анатомия эса зот анатомияси деб аталади.

Анатомия фани хайвонларни урчитиш, бокиш ва парвариш килишда, уларнинг хар хил касалликларини даволашда, айникса тана тузилишини урганишда катта ахамиятга эга.

Конституция - хайвонлар организмнинг ташки таъсирга жавоб кайтариш хусусияти, уларнинг насли ва ташки мухит таъсирида танаси шаклининг узгариши хакида маълумот беради хайвонларнинг ташки тузилишини (экстерьерини) урганишда ҳам анатомия катта роль уйнайди.

2. Анатомия кадимий биология фанидир. Хайвонлар анатомиясининг тарихи табиат тарихидан, солиштирма анатомия ва одам анатомиясидан ажралмаган холда бир неча минг йил мобайнида пайдо булган. Кишлок хужалиги хайвонлари анатомияси бундан 2000 йиллар мукаддам алохида фан булиб ажралиб чикди.

Анатомия фанининг ривожланишида Кадимий Юнонистоннинг йирик олими ва файласуфи Аристотель (384-322) катта роль уйнаган. У 50 га якин хайвон турини солиштириб, уларнинг ташки тузилишини урганди, илмий асосда классификациялади. Бутун хайвонот дунёсини умурткали ва умурткасизлар, тирик тугувчилар, тухум куювчилар туркумига булди.

Шу даврда Герофил хайвон ва одам анатомиясини урганиб, упка артериясини топди, тил ости суягини, кузнинг тузилишини, мия коринчаларини изохлаб берди. К.Гален (130-201 йиллар) замонасининг машхур анатомларидан булиб, хайвонлар, яъни маймун, айик, фил, шер, судралиб юрувчилар ва баликлар анатомиясини урганди. У юракнинг чап коринчасидан ва кон томирларида хаво эмас, балки кон суюклиги окишини курсатиб берди. У 300 га якин тана мускулини изохлаб, уларни классификациялади.

X-XI асрларда Урта Осиёда илм-фан анча ривожланган эди. Бу даврнинг энг буюк намояндаларидан бири Абу Али ибн Синодир (980-1037). Ухар томонлама билимдон олим, энциклопедист, кашфиётчи булган.

Философия, математика, физика, астрономия, анатомия ва айникса медицинага оид ишлари билан дунёга танилган.

XVI-XV асрларда гарбий Европа мамлакатларида ишлаб чикарувчи кучларнинг усиши натижасида математика ва табиийётунослик фанлари кизикиб урганила бошлади. Бу даврда анатомияда лмий текшириш ишлари бошланди. А.Везалий ва Леонардо да Винчи (1452-1519) анатомияни илмий жихатдан текширишга асос солган олимлар хисобланади.

Хайвонлар морфологиясига оид тупланган куп материаллар асосида солиштирма анатомия махсус фан сифатида вужудга келди. Бу сохада К.Линнейнинг(1707-1778) хайвонот дунёсининг янги системаси тутрисидаги ишлари ва палентология фанининг асосчилари - Петербург Фанлар академиясининг профессори П.С.Паллас (1741-1811) ҳамда француз олими Ж.Кювьеинг (1769-1832) асарлари катта роль уйнайди.

Рус олимларидан А.С.Ковалевский (1865) ҳамда И.И.Мечников (1867) Эмбриологияни эволюцион йўналтирган ва шу билан солиштирма эволюцион эмбриологияга асос солган. Отларнинг келиб чиқишини биринчи бўлиб В.С.Ковалевский урганди. XIX аср охири ва XX аср бошларида Россияда атиги тўртта: Козонда, Харьковда, Тартуда ва Варшавада (хозирги Польшада) ветеринария-анатомия кафедраси бор эди.

Самарканд кишлоқ хужалик институтида 1929 йилда ветеринария факультети очилиб, унга дастлаб 1930 йилда профессор П.П.Виноградов мудирлик қилган. У умрининг охиригача шу кафедрада ишлади, унинг раҳбарлигида қорақул қўйлар анатомияси уганилиб, бир қанча илмий асарлар яратилди.

3. Хар қандай тирик организмдаги каби, ҳайвонлар организмда ҳам моддалар алмашинуви, қўзғалувчанлик ва урчиш процесслари муҳим роль ўйнайди. Моддалар алмашинуви процесси организмнинг қўйидаги системалари: овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон ва лимфа айланиши, сийдик айиришорганлари ва ички секреция безлари орқали содир бўлиб туради.

Овқат ҳазм қилиш органлари системаси организмга ташқи муҳитдан қирган озик моддалар ҳазм бўлишига хизмат қилади. Бу озиклар механик ва химиявий равишда тегишлича ишлангандан кейин эрийдиган моддаларга айланади, сунгра қон ҳамда лимфа томирларига сурилади, ҳазм бўлмаган қолдиқ моддалар эса ташқарига чиқариб юборилади.

Нафас олиш органлари системаси ташқи муҳитдан қислород олиб, карбонат ангидрид чиқариш учун хизмат қилади. Бу системага: бурун тешиқлари, бурун бушлиғи, хиқилдок, кеқирдақ ва ўпка қиради. Қон ва лимфа айланиш органлари системаси, яъни юрак томир системаси қон ва лимфадан иборат бўлиб, улар ёрдамида организм бўйлаб томирларда қон тўтовсиз ҳаракат қилади. Ички секреция органлари системаси гипофиз, эпифиз, тимус, қалқонсимон без, қалқон олди беzi, бўйрак ўсти безлари, жинсий безлар ва ошқозон ўсти безидан иборат бўлиб, улар ўз фаолияти даврида қонга қўчли химиявий таъсир қўрсатувчи гормонлар ажратади, гормонлар эса моддалар алмашинуви процессини бошқаради.

Қўзғалувчанлик тирик организмларнинг ташқи ва ички таъсирини қабул қилиш, унга жавоб тариқасида қўзғалиш ҳоссасидир. Қўзғалиш мускуллар қисқариши натижасида ҳаракатланиш ёки суюқлик ажратишдан иборат. Ҳайвонларда қўзғалиш ва унга жавоб реакцияси тубандаги системалар: нерв системаси, мускул системаси, без аппаратлари ва тери орқали амалга оширилади. Невр системаси марказий ва периферик (четда жойлашган) қисмларга бўлинади.

Мускул системаси мускуллардан иборат, улар нерв системаси импульслари таъсирида қисқариш функцияларини бажаради. Мускуллар скелетларга бириккан бўлиб, тана ҳаракатларини вужудга келтиради. Скелет

суяк, тогай ва пайлардан тузилган булиб, тана шаклини хосил килади. Тери хайвон танасининг ташки қопламаси, у ташки муҳит билан бевосита алоқада бўлади. Терида таъсирини қабул қилувчи нерв тоалари бор, улар таъсирини қабул қилади. Урчитиш организмнинг янги индивид хосил қилиш процессидир. Урчитиш процесси эркак ва ургочи хайвонларда тузилиши бир хил бўлмаган қупайиш органлари ёрдамида амалга ошади.

4. Хужайраларда тирик миддалар яшаш усулининг муҳи шаклидир. Хар қайси хуцқайра функцияси, моддалар алмашинуви ва тузилиши жихатидан бир-биридан фарк қилади. Организмда хужайраларнинг яшаш муддати бир хил эмас. Улар организмда маълум функция бажаради, қарийди ва охирида нобуд бўлади, уларнинг урнига янги ёш хужайралар пайдо бўлади. Хужайралар мураккаб бўлинганда кетма-кет турт фазани: профаз, метафаза, анафаза ва телофаза даврларини ўтади. Организм жуда қуп хужайра ва туқималардан тузилган. Унинг ривожланиши процессида хосил бўлган гистологик элементлар системаси туқима дейилади. Организмдаги барча туқималар ўзига хос тарихий ривожланади. Улар қуйидаги турт гуруҳдаги: 1) эпителий туқималари ёки қопловчи туқималар: 2) таянч-трофик (озиклантирувчи) туқималар (буларга қон, лимфа, турсимон туқима, бириктирувчи туқималар, шунингдек, тогай ва суяк туқималари қиради. 3) муқкул туқималари ва 4) нерв туқималарига бўлинади.

Саволлар:

1. Морфология фани нимани ўргатади?
2. Морфологияни ривожланишига ҳисса қушган олимларни айтиб беринг?
3. Организмда қандай органлар системаси мавжуд?
4. Хужайра нима?

2-МАВЗУ: ЦИТОЛОГИЯ ХУЖАЙРА ТУЗИЛИШИ ВА ФИЗИК-ХИМИЯВИЙ ХОССАЛАРИ

Режа:

- 1.Хужайра тузилиши
- 2.Хужайра морфологияси
- 3.Хужайра ядросининг тузилиши
- 4.Хужайранинг бўлиниши

Адабиётлар: 1, 2, 4, 6.

1.Хужайра – тирик организмнинг тузилиш асосларини, яшаш жараёнларини ҳамда ирсий белгиларини ўзида мужассамлаштирган тузилмадир. Хужайранинг асосий химиявий компонентларига эса оксиллар билан ферментлар қиради, улар факат хужайра таркибида бўлмай, балки унинг атрофидаги суюқ модда таркибида ҳам учрайди. Лекин аслида суюқликдаги моддани ҳам асосан хужайралар синтезлайди. Хужайраларнинг ўзига хос асосий хусусиятларидан бири ўзидан тикланиши, яъни қупайишидир. Хужайралардаги доимий жараёнларнинг бошқарилишидаги қар хил метаболитлар, ферментлар ва ионлар иштирок этади. Улар иштирокида хужайра-

лар хилма хил вазифаларни бажаради. Хужайра ташки томондан уни ураб турган кобик, яъни мембранадан ва унинг ичида жойлашган протоплазмдан ташкил топган. Хужайра цитоплазмаси ташки томондан уч каватдан ташкил топган кобик, яъни плазолема билан уралган. Ташки ва ички кобиклари оксил молекулаларидан ташкил топган булса, урта кобиги эса икки каватни

ташкил этувчи липид молекуласини ташкил этади.

Оксиллар аминокислоталардан ташкил топган юкори молекулали органик моддалардир.

Углеводлар органик бирикмалар булиб, водород ва кислород богланишидан хосил булади. Улар, одатда, организмда оддий ва мураккаб шаклда учрайди. Оддий углеводларга (моносахаридларга) глюкоза киради. Бир нечта оддий углеводларнинг бирикишидан мураккаб углеводлар (полисахаридлар) хосил булади. Ёг кислота билан глицериннинг бирикишидан нейтрал ёглар, мураккаброк тузилганларидан эса ёгга ухшаш дипсидлар хосил булади. Ёглар тузилишига ва учрайдиган жойига кура турлича булади. Хужайра протоплазмасида улар йирик-майда томчилар учрайди ва запас энергетик озик вазифасини бажаради. Тукима хужайралари таркибида хар хил микдорда сув ва минерал тузлар булади. Хужайраларда учрайдиган сув эркин ва богланган холатда булади. Моддалар алмашинуви жараёнида, яъни моддаларнинг эришида асосан эркин холдаги сув иштирок этади. Богланган холда учрайдиган сув оксил молекулалари билан бирикиб, хужайралар тузилишини саклаб туради ва бундан ташкари, сув хужайрада содир буладиган кимёвий ва биокимёвий реакцияларда иштирок этади. Хужайраларда сувдан ташкари, аорганик моддалар минерал тузлар холида ёки оксиллар, углеводлар ва липоидлар билан бириккан холда учрайди. Улар хужайралардаги кислота-ишкорли мувозанатни саклаб туради, сомотик босимни, мицеллаларда адсорбция килинувчи тузларнинг ионларини тартибга солиб туради.

Нуклеоспитеидлар нуклеин кислоталарнинг оксиллар билан бирикишидан хосил булган мураккаб комплекс булиб, протоплозмада содир булиб турадиган мураккаб кимёвий реакциялардан бири – оксиллар метаболизмини бошкаради. Йод – калконсимон без гормони тироксин ва трийодтиронин таркибида учрайди. Кобальт – В витаминда учрайди. Нуклеин кислоталар мураккаб органик бирикмалар булиб, таркибида фосфат кислота булиши туфайли улар кислотали характерга эга. Нуклеин кислоталарнинг асосий биологик вазифаси – биологик йул билан оксил синтезлаш ва синтезланган оксилларнинг узига хос тузилишини белгилашдан иборат.

Одам билан хайвонларнинг органик ва тукималарини ташкил килувчи хужайраларда умумий ухшашлик булишига карамай, улар шакли, тузилиши, химиявий таркиби ва моддалар алмашинуви жараёни билан бир-

биридан фарк килади. Хар бир хужайра бир бутун мураккаб физиологик хусусиятга эга тузилма булиб, уларда организм учун зарур булган барча хаётий жараёнлар кечади. Барча органик ва тукималар хужайрасининг цитоплазмасини ташки мухитдан уч кават – ташки кават – кобик ажратиб туради. Бунга цитоплазма ёки плазмолемма ҳам дейилади. Мембранасида майда тешикчалар булиб, улар оркали керакли моддалар хужайра ичига утиб, моддалар алмашинуви натижасида хосил булган чикинди моддалар ташкарига чиқади. Хужайра ташки мембранасининг физиологик вазифаси хужайрага керакли озик моддаларни утказиб, ташкарига эса кераксизларни чиқариб, хужайра бутунлигини ва хаёт фаолиятини таъминлаб туришдан иборат. Хужайра органеллалари хужайранинг доимий таркибий кисми булиб, муайян тузилишга эга ва муайян физиологик вазифани бажарувчи кисми органелла дейилади. Органеллалар умумий ва махсус органеллаларга булинади. Умумий органеллаларга : митохондрий, цитоплазматик (эндоплазматик) тур, рибосома, Гольжи комплекси, лизосома, микронайча, центросома, пероксисома ва пластидалар кирса, махсус органеллаларга тонофиллар, миофибриллалар, киприкчалар, микроворсинкалар киради. Цитоплазматик тур хайвон ва усимликлар хужайраси, шунингдек, бир хужайрали содда организмларда булиб, тухум хужайраси билан ядроси булмаган эритроцитларда учрамайди. Цитоплазматик тур донатор (грануляр) ва донасиз (агрануляр) булади. Донаторларнинг мембранасида майда донатор шаклда рибосомалар булади. Донасизларда эса рибосомалар булмайди. Хужайраларда, одатда, икки хил рибосомалар булиб, уларнинг купчилик кисми донатор эндоплазматик тур мембраналарида, иккинчи кисми эркин холда цитоплазмада ёки митохондрий ёхуд хлоропласт матриксиди жойлашган булади. Рибосомалар ядро кобигининг ташки мембранасида ҳам учрайди. Рибосомаларнинг 40% РНК дан, 60% оксиллардан ташкил топган. Рибосомаларнинг асосий вазифаси оксиллар синтезида иштирок этишдан иборат. Донатор эндоплазматик турда жойлашган рибосомалардаги синтез жараёни одатда, жадалрок кечади. Лизосомалар органеллалар каторига киради. Уларнинг вазифаси хужайраларда овкат хазм килиш ҳамда фагоситоз жараёнларида иштирок этишдан иборат. Лизосомалар амфибиялар, кушлар, сут эмизувчилар, ва бошка хайвонлар ҳамда одамда топилган. Айниқса улар фагоситоз килиш хусусиятига эга булгани хужайраларда яхши курилади. Хужайралардаги икки хил – бирламчи ва иккиламчи лизосомалар Гольжи комплекси атрофида жойлашган булиб, улар таркибидаги ферментлар сушт фаолият кечиради. Гольжи комплекси (Гольжи аппарати, пластинкасимон комплекс) ни биринчи булиб 1898 йили итальян олими Камилло топган. Уни фанда Гольжи аппарати, пластинкасимон комплекс, турсимон аппарат, турсимон комплекс деб аташ расм булган. Тайёр булган мураккаб оксиллар пуфакчаларга йигилиб, сунг цистерналардан секрет хо-

лида ажралиб чиқади. Пуфакчалар асосан микронайчалар оркали ҳаракат килади. Митохондрия хайвонлар ва айрим усимликлар ҳужайрасида учрайдиган органелла булиб, диаметри C , 2-1 мкм га тенг. Шакли ҳар хил: юмалок, овалсимон, таёкчасимон ва ипсимон бўлади. Митохондрияларнинг асосий вазифаси энергия ҳосил қилишдан иборат. Масалан, ҳужайралардаги энергиянинг 95% ни митохондриялар ҳосил қилади. Центриоль ҳамма хайвонот ва тубан усимликлар ҳужайрасида топилган органеллалар. Центриола уқи булиниш уқини белгилайди. Центриолалар сферик масса марказида жойлашиб, бу масса центроплазма ёки центрофера дейилади. Махсус органеллалар: миофибриллалар, хивчинлилар, киприкчалар, нейрофибриллалар, микроворсинкалар ва бошқалардан иборат. Ҳужайра киритмалари цитоплазманинг доимий бўлмаган таркибий қисмидир. Уларга оксиллар, ёғ томчилари, гликоген тупламлари, секретлар, пигмент киритмалари ва бошқалар қиради.

Ядро ҳамма тирик усимлик ва хайвонлар ҳужайрасида булиб, унинг ҳаёт фаолиятида иштирок этадиган доимий тузилмадир. Ядро аксарият ҳужайраларда битта, айрим ҳужайраларда – остиокласт, кундаланг йулли мускуллар ҳужайраларида куп бўлади. Лейкоцитларда таёкчасимон, ловиясимон, мезотейлида ясси бўлади. Ядро қобигининг икки қаватдан иборат булиши, ҳар бирининг қалинлиги 10 нм га тенглиги электрон микроскопда аниқланган. Ядронинг ички ва ташқи қобиги оралигида 10-30, баъзан 100 нм га тенг перинуклеар бушлик бўлади. Ядрочалар деярли ҳамма усимлик ва хайвон ҳужайраларида топилган. Одатда, улар ҳужайраларда битта ёки иккита бўлади. Ядрочада қариоплазманинг энг зичлашган қисми булиб ажралиб туради. Таркиби ипсимон қуринишдаги гомоген тузилмалардан ташкил топган. Ядрочада рибосома РНК синтезида иштирок этади. Маълумки, ҳужайраларнинг узига ҳос яшаш муддати бор. Онтогенез даврида ҳужайралар нобуд булиб, уларнинг урнини янги – қупайиш жараёнида ҳосил булган ёш ҳужайралар эгаллайди. Ҳозирги вақтда ҳужайралар қупайишининг уч хили аниқланган: 1) митоз (-ип) ёки нотугри булиниш ёхуд қариокинез: 2) амитоз - (а – инкор этиш, - ип ёки тугри булиниш ва 3) мейоз (- қамайиш). Митоз ёки нотугри булинишда ҳужайрада хромосомалари пайдо бўла бошлайди. Профаза ҳужайрадаги ядро махсулотларининг узғаришидан бошланади: таёкчасимон ёки юмалок шаклдаги хромосомалар пайдо бўлади, ҳужайрада кутубланиш жараёни бошланади. Профазанинг охири хромосомаларнинг тикланиши, ядро қобиги ва ядрочанинг йуқолиши билан якуланади. Метафаза ёки она юлдуз босқичи, бунда хромосомалар ҳужайра марказига силжиб, дук уртасида метафазали ёки экваторияли бир текис пластинка ҳосил қилади. Метафаза охирида ҳар бир хромосома иккита хроматидга, яъни киз хромосомаларга бўлинади. Бу даврда гомологик хроматидлар қарама-қарши кутубларга ажралади. Она ҳужайрада нечта бўлса,

хар бир кутбда шунча хромосома пайдо булади. Хужайра танасида белбог хосил булиб, хужайрани аста-секин иккига булади. Бунда янги хосил булган хужайрада бир бутун хужайра шакллана бошлайди. Ахроматин дук йуколиб, центрисладан хужайралар маркази пайдо булади. Цитоплазмадаги органеллалар билан хужайра киритмалари уз жойини эгаллайди. Хужайранинг танаси иккига ажралиб, иккита ёш мустакил хужайра хосил булади

Амитоз – турги ёки оддий булиниш усимлик ва хайвонлар хужайрасининг булинишида учрайди. Айрим вақтларда ядронинг узигина булиниб, хужайра танасида булиниш булмайди. Бунда куп ядроли хужайралар хосил булади.

Мейоз – редукцион булиниш хужайраларнинг булиниш усуллари-дан бири булиб, ядро булинишининг мураккаб жараёни хисобланади. Чунки бунда хромосомалар диплоид ҳолатдан гаплоид ҳолатга утади. Хромосомалар сони икки марта камаяди (редукцияланади). Бу эса жинсий хужайралар (гаметалар) шакилланишининг муҳим омили хисобланади. Мейознинг муҳим биологик аҳамияти шундаки, у бирор турга мансуб организмнинг катор бугинларида кариотип тургунликни саклаб, жинсни таъминлар экан, хромосома ва генлар рекомбинацияси учун шароит тугдиради.

Саволлар:

1. Хужайра қандай органоидлардан тузилган?
2. Хужайра морфологияси деганда нимани тушунасиш?
3. Хужайра ядросининг вазифаси нимадан иборат?
4. Хужайранинг қандай булиниши типлари мавжуд?
5. Хайвон хужайраси билан усимлик хужайрасининг ухшашлиги ва фарқи нимадан иборат.

3-МАВЗУ: ХУЖАЙРАНИНГ ХАЁТИЙ ЖАРАЁНЛАРИ

Режа:

- 1.Моддалар алмашинуви.
- 2.Хужайра дифференцировкаси, кузғалиш ва хужайранинг уз-уздан купайиш
- 3.Хужайрани воситали (митоз ёки кариокинез) булиниши.
- 4.Хужайранинг бевосита (амитоз) булиниш. Мейоз булиниши.

Адабиётлар: 1, 2, 4, 5.

1. Хужайранинг ҳаётий цикли аник намоён булиб, у интеркинез ва митоз даврларга булинади. Интеркинез даврда хужайра булинишидан ташқари ҳамма ҳаётий жараёнлар фасл амалга ошади. Хужайранинг асосий ҳаётий жараёни булиб, моддалар алмашинуви хисобланади. Моддалар унинг натижасида хужайранинг дифференцировкаси, усиши, махсус моддаларни хосил булиши, шунингдек кузғалиши, ҳаракатланиши ва уз-уздан хосил булиши содир булади. Моддалар алмашинуви – бу хужайранинг сакланиши ва янгиланишига олиб келувчи моддалар айланишининг тартибидир. Моддалар алмашинуви жараёнида бир томондан хужайрага моддалар киради, улар қайта ишланади ва хужайра таркибига киради. Иккинчи томондан хужайрадан парчаланиш маҳсулотлари хисобланган моддалар

чикиб кетади яъни хужайра ва мухит узаро модда алмашинади. Моддалар айланишида катъий тартибни, оксил моддалар ферментлар таъминлайди. Улар катализаторлар ролини уйнайди. Ферментлар биокатализаторлар ролини уйнайди. Улар махсус моддаларга таъсир этиб, уларни парчалайди.

Ассимиляция жараёнлари синтетик булиб, улар энергия ютилиши билан боради. Мана шу энергиянинг манбаи булиб диссимиляция жараёнлари ҳисобланади.

Моддалар алмашинуви катор хусусий жараёнларнинг кушилишидан вужудга келади, улардан асосийлари: 1 - хужайрага модданинг кириши, 2 - озикланиш ва нафас олиш жараёнларнинг натижасида уларнинг қайта ишланиши, 3 - ҳар хил синтез жараёнлар учун “Қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш”. Мисол учун оксил синтези ва секретни ҳосил булиши. 4 – ҳаёт фаолиятини маҳсулотларини хужарадан чикиб кетиши. Моддаларни хужайрага киришида плазмолемма асосий ролни уйнайди. Хужайрага моддаларнинг кириши ва чиқиш жараёнларини физик-химиявий ва морфологик нуктаи назардан қараш мумкин. Утказувчанлик, пассив ва фаол ҳаракат натижасида амалга оширилади. Пассив ҳаракат диффузия ва осмос ҳодисаларига асосан содир бўлади. Маълумки, натрий ионлари хужайрадан ташқарига чиқади. Агар, ҳатто уларнинг концентрацияси хужайрадагига нисбатан куп бўлади. Калий ионлари хужайрага қиради. Моддаларнинг ташқи муҳитдан хужайрага утишини морфологик картинаси фагоцитоз ва гипоцитоз йул билан асалга ошади. Фагоцитоз ёрдамида қанча йирик заррачалар эгалланса, пинсицтозда эса кичикрок ва говакрок заррачалар эгалланади. Оксил синтези рибосомаларда ва шартли равишда 4 босқичда аминокислоталарни фасланиши амалга ошади. Иккинчи босқичда фасланган аминокислоталарнинг транспорт РНК билан богланиши бўлади. Унда 1 моль т-РНК факат 1 моль фасланган аминокислотани бириктиради. 3 босқичда полипептид занжирларни ҳосил булиши. 4 босқичда полипептид, занжирнинг рибосомадан ажралиши ҳосил бўлаётган оксил учун характерли фазовий конфигурацияни ҳосил булиши бўлади. Синтез жараёни энергия сарфини талаб қилади, унинг учун эгнергия манбаи булиб асосан митохондрияда ҳосил бўлувчи ва оз миқдорда ҳосил бўлувчи АТФ ҳисобланади. Секреция махсус моддаларнинг хужайра томонидан ишлаб чиқилиши ва улар куп хужайрали организмда бутун организм манфаати учун фойдаланилади. Жумладан сулак, ут суюқлиги, ошқозон суюқлиги ва бошқа секретлар озикаларни овқат ҳазм қилиш органларида қайта ишлаш учун хизмат қилади. Моддалар алмашинуви хужайранинг бошқа ҳаётий қуринишларини белгилайди, яъни усишини, дифференцировкасини, кузғалишини ва узидан купайишини таъминлайди. Хужайрани усиши - унинг улчамининг ошишида моддалар алмашинувини ташқи намоён булишидир.

2. Хужайрани дифференцировкаси – бу катор сифат узгаришлари хар хил хужайраларда, хар хил амалга ошади ва мухим билан белгиланади ва ген деб аталувчи ДНК кисмларини фаолияти билан белгиланади.

1. Хужайра кузгалиши – ташки мухитдаги узгаришига унинг реакцияси. Унинг натижасида хужайра ва мухим орасидаги пайдо булувчи вақтинчалик карама-каршиликлар бархам этилади. Натижада ташки мухитга мослашади. кузгалиш ходисасида куйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин. Ташки мухит таъсиротининг таъсири (механик, химик, нур ва бошқалар).

2. Хужайранинг фаолият ҳолатига утиши яъни, хужайра ичидаги биохимик ва биофизик жараённинг узгаришида намоён булади. Яъни хужайранинг утказувчанлиги ва кислород ютиши ошади. Хужайра цитоплазмасининг калоит ҳолати узгаради.

3. Хужайранинг мухит таъсирига жавоби яъни, хар хил хужайра, жавоб реакцияси хар хил булади. Харакат хужайрага хос булиб характер булиб, жуда турли тумандир.

Энг аввал хужайрада цитоплазманинг тухтовсиз ҳаракати амалга ошади. У алмашинув жараёнларининг амалга ошиши билан боғлиқдир. Харакат хужайранинг узунлиги ёки ҳажмининг узгаришида фойдаланилади ва натижада унинг аввалги ҳолига қайтади. Шундан ҳаракат мускул хужайраларида, мускул тоғаларда, пигмент хужайраларда кузатилади.

Химотаксислар химиявий моддалар ёки уларда чикувчи йуналиш буйлаб ҳаракатга айтилади. Бундай токсисни қандаги лейкоцитларда аниқлаш мумкин.

Тигмотаксислар тегиб турган каттик, жисим ва ундан чикувчи йуналишга айтилади. Масалан; кучли механик таъмирот унга таъсир қилган агент нисбати тесқари кузғалади.

Рестаксислар суюқлик ҳаракатига қарши ҳаракатига айтилади. Рестақисига спермаларнинг ҳаракати мисол була олади. Яъни матқадаги ҳаракатланаётган спермалар шилимшиқ ҳаракатига қарши тухум хужайрасига қараб ҳаракат қилади. Хужайранинг узидан қупайиш қобилияти тирик материянинг мухим ҳоссаларидан ҳисобланади. Бусиз ҳаёт мумкин эмас.

Хужайранинг узидан қупайиш функцияси булиниш йули билан амалга ошган ҳолда хужайра ривожланиши натижаси ҳисобланади. Хужайранинг индивидуал ҳаёти моддалар юқори алмашинувининг характерловчи интерфаза ва булиниш давларнинг қушилишидан қелиб қикади. Куйидаги асосий хужайра булинишлари мавжуд.

Билвосита (митоз, ёки қариоқинез), миёз ёки редикцион булиниш, А ёки бевосита булиниш

3. Метознинг биологик маъноси қиз хужайрага жуфт хромосомаларнинг аниқ тақсимланишида ифодақайди. Натижада ёш хужайралар мутлоқо бир хил жинсий информатқияни олади.

Хромосомаларнинг тузилиши ДНК молекулаларининг боғламларини спираллашуви билан белгиланади ва унинг атрофида ДНК ва посполлипидларга боғ булган материанинг фойда булиши билан белгиланади. Натижада хромосомалар компакт таначаларга айланади.

Химиявий таҳлил хромосомаларни асосий компонентлари қуйидагилар эканлиги кўрсатади.

1. Хромосомаларда жойлашган булиниш вақтидаги ДНК.
2. Гистогенлар типидagi оксиллар
3. Липоитлар
4. Са ва Мд ташкил этувчи минерал элементлар

Сут эмизувчилардаги ҳамма хромосомалар иккита жинсий хромосомалардан ташқари жуфт булиб, жинсий хромосомалар эса Х ва У самкаларда жуфт хромосомалар ХХ ва самецларда ХУ дан ташкил топади. Хромосомалар шаклига қараб дон, таёкча, илмокча, такка ва бошқалар қуринишида булиши мумкин. Митозда протоплазманинг чуқур биохимиявий ва морфологик қайта қуриниши содир бўлади. У янгилаяпти чунки иккита янги хужайранинг ҳаёти потенцияси ошади. Митознинг амалга оширишида иккита даврни бир-биридан фарқ қилиш мумкин.

1. Тайёргарлик ва асил митоз даври. Тайёргарлик даври интерфаза даврида ошади.
2. Синтросоланинг синтроласининг иккиланиши.
3. ДНК иккиланиши у билан бириккан гистонларнинг ҳосил булиши.
4. Методик аппаратнинг ҳосил булиши учун зарур моддаларнинг ҳосил булиши.
5. Митознинг амалга ошириши учун энергетик ресурсларнинг йиғилиши.

Асли метоз 0,5 дан 3 соатгача давом этади. Морфологик узгаришлар асосида уни турт фазага булиш қабул қилинган:

1. Профаза, метофаза, анафаза, телофаза.

Профаза – энг узок давом этувчи фазалардан бири ҳисобланади. Бу фазада хромосомаларда компакт таначалар қуринишини олади, ахроматин аппарати вужудга келади. Убулиниш қутбини аниқлайди, ядрода ва ядро қобиғи йуқолади. Ядрода хромосомаларнинг спираллашувига қараб бошида зич туганак картинкаси ҳосил бўлади. Сунгра хромосомалар яна қучлироқ спираллашади. Шунинг учун йуғонлашади ва қискаради, ядро говак туганак қуринишини олади. Шундай қилиб ядро мустақил морфологик бирлик сифатида мавжуд булишини тугатади.

Метафаза вақти билан анча қиска ҳисобланади. Метобаза давомида хромосомалар ахроматин виритинкасининг инкваторига силжийди қучади. Синтромерларнинг ёрдамида веретинкасининг хромосома ипларига маҳкамланади. Натижада анча тугри фигура шакилланади.

Анафаза ҳам анча тез кетади. Анафаза вақтида хромосомани ташкил этувчи хроматидлар қиз хужайрани хромосомани ҳосил қилувчи қарама-қарши қутиблардаги хужайранинг сарф бўлади. Ушбу жараён цитоплазманинг қушқин ҳаракати билан қузатилади. Анафаза охирида иккала қу-

тибдаги ҳам тенг миқдордаги хромосомалар йигилади. Улар синтериалалар атрофида жойлашади, киз юлдузи фигурасини ҳосил қилади.

Телофаза профаза сингари узок давом этади. Бу фазада иккита ёш хужайра шакилланади. Хромосомалар юлдузсимон жойлашишни йукотади, говак тугонак ҳосил бўлади. Яъни сперал бузилиб узаро чирмашади. Натижада унинг тугонаги зич бўлиб қолади. Нихоят ядро ва ядроча қобиғи пайдо бўлади. Сунгра якки анча илгарок хужайра танаси икки қисмга бўлинади. Бунда ҳамма аргонеллаларнинг элементлари хужайра орасида пассив тақсимланади. Шундай қилиб, битта она хужайра урнига иккита киз хужайра пайдо бўлади. Хужайраларнинг қупайиши фақат ташки муҳитнинг маълум шароитларида амалга ошиш мумкин: озикланиш, ҳарорат, ксилоротнинг иштироки муҳитнинг маълум реакцияси ва бошқалар.

5. Амитоз қупрок ядрочанинг, ядронинг сунг цитоплазманинг чузилиши билан амалга оширади. Натижада иккита ёки бир қанча киз хужайра пайдо бўлади. Баъзан ядронинг булиниши цитоплазманинг булиниши билан қузатилмайди. Ушанда қуп ядроли хужайралар пайдо бўлади. Цитоплазманинг оргонеллалари қиритмалари метоздаги сингари қуринишли узғаришларга учрамайди, ядро йуқолмайди. Амитозда митоздан фарқлиқ қитоплазманинг диарли химик, физик хоссалари узгармайди. Хужайранинг функцияси тухтатилмайди. Амитозда ДНК иккиланади, бироқ хромосомалар спераллашади. Шунинг учун ДНК миқдор нуктаи назардан киз хужайраларда бир хил тақсимланмаслиги мумкин қупинча амитозлар тақсинлар регинирациясида (тикланиши) қузатилади. қачонки хужайралар миқдори тез таълаб этилган вақт ушбу булиниш тури қупрок юқори ихтисослашган ва қариган организмда қузатилади. Миоз ёки редукцион булиниш ҳар хил шакилларда жинсий йул билан қупаядиган. Ҳамма тирик организмларда учрайди. Қетма-қет иккита ядро булинишлари натижасида хромосомаларнинг сони икки марта қамайиши билан қарактерланади. Шунинг учун жинсий хужайра бирламчи икки гаплоид хромосомалар йигиндисига эга бўлиб, соматик хужайра эса иккиламчи икки диплоид хромосомалар йигиндисига эга бўлади. Хромосомаларнинг бир қисмини спермалар иқкинчисини тухум хужайраси олиб қиради. Биринчи миоз булинишини асил редукцион (қамаювчи) унда профаза 1, метофаза 3, анафаза 1, телофаза 1 лардан ташқил топади. Профаза 1 мураккаблиги ва анча давом этиши билан қарактерланади. У 5 босқичда боради ва ҳар бир босқичнинг узига ҳос хромосомалар қайта қурилишининг махсус белгиларига ҳосдир. (лептонема, зигонема, рахинема, диплонема ва диакинез).

Липтонемада спермацитнинг икки тартипдаги ооцитлар бирламчи узун, ингичка иплари қуринишидаги хромосомалар билан анча аниқ қуринади. Зигонема иккита хромосомаларнинг яқинлашиши билан бошлади. Улар сунг гомологик ухшаш участкалари хромалар билан бирикади. Па-

ренхима хар бир жуфт хромосомаларнинг узунасига кискариши билан ва киска йутон ипларнинг ҳосил булиши билан тулик конъюгация билан характерланади. Диплонемада бирлашган хромосомалар итарувчи кучлар таъсири остида ажралади, бироқ тулик ажралиш булмайди. Алокалар (куприкчалар) тери хиязмалар хромосомаларнинг кесишган жойларида сакланиб қолади. У ерда хромосомаларнинг участкалари алмашинуви содир бўлади.

Диакинез профазанинг охириги боскич ҳисобланади. Хромосомалар киска кешишган, козикчалар, шохчалар қуринишини олади. Ядрога кенг сочилган бўлиб уларни ҳисоблаш онсон.

Метафаза 1. Кобигининг бузилишидан бошланади. Хромосомалар экваторда жойлашади ва уларнинг синтомерлари билан карама-қарши қутибга қараб бурилган бўлади. Ахроматин веротиноси ҳосил бўлади, таъсир булиши бошланади.

Саволлар:

1. Моддалар алмашинуви қандай жараёнларни уз ичига олади?
2. Хужайра қузғалиши нима?
3. Хужайранинг бевосита булиниши неча босқичдан иборат?
4. Хужайранинг бевосита булиниши қандай?
5. Мейоз булиниш нима?

4-МАВЗУ: ХОРДАЛИЛАР ТИПИ РИВОЖЛАНИШИ

Режа:

1. Ланцетникнинг ривожланиши
2. Амфибия ва балиқлар ривожланиши
3. Қушлар ривожланиши
4. Сут эмизувчилар ривожланиши

Адабиётлар: 1, 3, 5, 9

1. Ланцетник хордали ҳайвонларнинг оддийси бўлиб, узунлиги 2-5 см, қирғоқ сувларда яшайди. Ланцетникнинг ривожланиши А.С.Ковалевский томонидан кенг урганилган. Ланцетникнинг тухум хужайраси диаметри 100-120 мкм. Изоолиголеиталь-оталаниш ва ривожланиш ташки усулда бўлади. Тухум булиниши тулик, текис бўлади. Биринчи 10 та булиниш синхрон ҳолда бўлади. Зиготани 2 та тенг бластомерга бўлувчи 1 чи этап меридиал бўлади. У 3 та нукта орқали утади (анекал кутб, сперманинг қириш жойи ва вегетатив кутб). Мурғакнинг чап ва унғ булақларга бўлади. 2-чи этап ҳам меридиал бўлиб 1-чи этапга нисбатан перпендикуляр ҳолда бўлиб, мурғакни елка (дорсаль) ва қорин (вентраль) булақларга бўлади. 3-чи этап кенглик этапи бўлиб деярли экватор бўйлаб утади ва мурғакни олдинги ва орқа қисмларга бўлади, ундан сунғ мурғак 8 ластомердан ташкил топади. Булиниш жараёни тез кетади. Оталангандан 2

соат кейин 1000 ортиқрок хужайрадан ташкил топувчи мелобластула ҳосил булади.

Гастрүляция – инвагинация йули билан бошланади. Гластуланин таги ёйилади сунг ичига букилади. Оталангандан 11 соатдан кейин кенг бластоформ 2 каватли копсимон гаструла ҳосил булади. Унинг эктодермаси ёйилган хужайралардан, энтодерма эса анча ва юкори хужайралардан ташкил топган. Сунгра мургак узунасига чузилади. Бунда мургакнинг дорсал томони ёйилади, бластоформ тораяди. Мургакнинг дарсол лабмургакнинг елка томонига бирлашувчи бластоформнинг чегараси, унга карама-карши томонда вентрал лаб ва улар орасида жойлашган ён лаблар булади. Бластоформнинг дорсал лаб соҳасида айникса хужайраларнинг купайиши ва силжимининг фаол жараёнлари содир булади. Бунда дластопор анча кам булган холда, усувчи хужайра материаллари бош йуналишида силжийди. Эктодермал клеткаларнинг бутун мургак буйлаб елка томонидан ётувчи чүзма нерв пластинкасига айланади. Эктодерманинг нерв пластинкасининг ёни буйлаб жойлашган кисмлари озрок кутарилади, натижада 2 та узун валик ҳосил килиб, нерв пластинкаси нов қуринишида чуқурлашади. Узунасига эктодермал валик анча узаро яқинлашади. Невр пластинкасининг нави чуқурлашади. Бу вақтга келиб нерв найларининг чети бир-бирига бирлашади. Нов нерв найига айланади. Эктодерманинг валиклар бирига туташиб кетади. Невр найи, эктодерма остида булади ва у энди – тери эктодермасига айланади. Эктодермал валиклар гомоглиоз пластинкага айланади ва у эса нерв найи билан яқин алоқада булади. Невр найида орқа мия гомоглиялари ҳосил булади. Бунга параллел холда дорсал энтодерма материалидан бош томонидан хордомезодермал бошланиш ҳосил булади, у холда ва мезодермага булинади. Хорда грекча суз булиб, тор генга айланади. Ланцетникдан нерв найчасидан ости буйлаб узунасига чузилади. Мезодерма хордани 2 томонидан эктодермага каварик девори билан энтидермага караган чунтаклар қуринишида ётади.

Мезодерма энтодерма билан 1 канча вақт алоқада булиб, кейин тулик ипга айланади. Энтодерма четлари бирлашади ва ичак найини ҳосил килади. Унинг девори ичак энтодермаси деб аталади. Мезодерма ушиб, 2 та копсимон ҳосилалар қуринишида экто ва ва энтодерма орасида таркалади. Бунда бош томондан бошланиб мезодерма самитларга, сегмент оёқларга спланхнотонларга ихтисослашади. Самитлар мургакнинг дорсаль томони буйлаб, нерв найчаси ва хорданинг 2 ёнидан жойлашган метомер-сегментлардир. Самитларнинг – тери эктодермасига туташувчи ташкии участкалари говаклашади, терининг бирлаштирувчи тукима асосининг бошланишини беради ва шунинг учун дерматомлар деб аталади. Самитларнинг урта кисмлари – миотомлар энг яхши ривожланган булади. Улар соматик мускулларнинг бошланишини беради. Самитларнинг ички участ-

калари – скелеротомлар мезенхима куринишини олади. Ундан натижада скелет ривожланади. Сомитлар бушлиги тиркишсимон булиб, кейин усади, бирлашиб кетади.

Сегмент оёкчалар ёки нефротомлар сомитларнинг сплонхнотом билан бирлаштирувчи хужайралардан хосил булган тор найчалардир. Улардан сийдик таносил тизимининг бир кисми ривожланади. Спланхнотом – мезодерманинг вентрал кисми булиб, метомер сегментланган жуфт халтачалар куринишига эга булади, сунг мегментация йуколади, 2 та копча хосил булади. Улар мургакнинг кейинги усиш билан бири-иккинчисига усиб етишади ва мургакнинг вентрал томонига тушади. Спланхнотомнинг бушлиги ягона булиб қолади. Бу тананинг 2 ламчи (сероз) бушлиги ёки иелом. Иеломнинг деворлари – варакари сероз пардаларга айланади. Тана деворига ёпишувчи ташки варакари парцетал ёки (девор олди) иккинчиси ички висцерал (ички) деб аталади. Сунг ичакнинг олдинги ва орка чегараларида тешик хосил булиб, ланцетни мургакча – эркин личинкага айтилади.

1.Бош скелетсизларнинг ривожланиши катор оралик боскичлар оркали баликлар синфининг ва уларни кунчилигида ланцетникдаги сингари ривожланишининг эркин личинка типининг бошланишини берди. Бирок айрим отрядлар ва оилалар тухум хужайрасида сарик модданинг микдорига караб фарк қилади. Бу нарса шу даражада бутун кейинги эмбриогенезда акс этади – ривожланишнинг личинкасиз типига олиб келади. Купгина суякли баликларда, бир канча суякли ва тоғайли гансидларда ва чутка канотлиларда тухумлари мезолецитальдир. Шундай эмбриогенезнинг характери булиб, чуткаканотлилардан келиб чиққан амфибийларда булади. Амфибийларнинг эмбриогенези бошқа хайвонларникига, баликларникига нисбатан яхши урганилган. Унинг мисолида мезолециталь тухумга эга булган хайвонлар ривожланишини урганимиз. Ушбу хайвонларнинг зиготаси ва тухум хужайраси мезова телоциталидир. Оталаниш ва ривожланиши ташки усулда булади. Булиниш тулик ва нотекис равишда содир булади. Булиниш натижасида амфибияластула ривожланади. Гастрола инвагинация ва этиболия йули билан хосил булади. Тортишган жойидва хайвоннинг булажак дум томонидан – ланцетник бласторининг гомологик вужудга келади. Хаммасидан фаслрок купаяди ва энг аввал бластопор дорсаль лабига тугри келувчи хужайра материали хосил булади. Ундан ёнлари буйлаб ён лабларининг материали вужудга келади. Бластопора дорсаль лабининг материали мургак бош томонига караб юза буйлаб тарқалади, нерв пластинкасига иктисослашади. Сунгра най хосил қилади. Унинг бош томонида мия пуфакчалари шакиллашади. Ён лаблари узгарувчан материал мезодермага айланади, бластопорнинг пастки лаб хужайралари бластула тагининг йирик энерт бластомерларига усиб етишади. Улар билан биргаликда ичак энтидермаси шаклланади. Мезодерманинг иктисослашиши Ланцетникка ухшаш булади.

1.Паррандаларда бир канча баликлардаги каби тухум хужайралари полицетальдир, яъни сарик модда нотекис таксимланган булади. Уларнинг тухумлари бирламчи ва иккиламчилардан ташкари яна учламчи пардалар билан уралгандир (оксил, пучок ости пленкаси, пучоги). Бу нарса мургаkning озикланиши ва ташки таъсирларидан химояланишда кушимча кулайликларни яратади. Сарик модданинг куп булиши мургаkning бутун эмбриогенези давомида озика билан таъминлайди. Ривожланишнинг шундай типи личинкасиз ёки тугри ривожланиш тип деб аталади.

Паррандаларда оталаниш ички, ривожланиши ташки булади. Булиниш кисман дискоидаль булади. Булиниш натижасида дискобластула хосил булади. Булиниш ва гастрюляциянинг бошланиши тухум йулида содир булади. Гастрюла, деломинация, эмиграция ва эпиволия йули билан вужудга келади. Инкубациянинг биринчи 12 соат давомида эпиволия жараёнлари жуда фасл кетади – сарик модда буйлаб бластодиок усиб чикади. Унинг марказий кисми йугонлашади ва мургаk калкони ривожланади. Мургаk калкони хужайраларида гастрюляциянинг фасл жараёнлари кетади. Бунда мургаk калконнинг остида ётувчи сарик модда кисман сурилади, мургаk томонидан фойдаланилади. Мургаk калконинг овал шаклдаги маркази ёруг майдон, унинг четлари сарик моддага зич ёпишган хужайралари коронги майдон деб аталади. Мургаk ёруг майдон материалидан ривожланади, коронги майдон эса мургаk ташкарис хосилаларининг манбаи булиб хисобланади. Мургаk калкони хужайра материалининг мураккаб узгаришлари натижасида ёруг майдоннинг урта чизиги буйлаб унинггузунлигининг 3-5 кисми мобайнида йугонлашиш – 1 ламчи чизик хосил булади. Бу гензеновский тугунчадир. Бирламчи чизик ва тугунча сохасида хужайра материалининг ичкарига буралиш бошланади. Бунда бирламчи тугунчада бирламчи чукурча, бирламчи чизикда бирламчи эгатта ривожланади.

Бирламчи чукурча атрофида хорда бошланиши ва бош энтодерма материали узгаради. Материал мургаk булажак бош томонга харакатланади ва бош усимта деб аталади. Бош усимталарнинг харакатланиши билан бирга унинг олди томонида устидан дорсаль эктодермадан нерв пластинкаси хосил булади.

Мезодерма бутун чизик куринишида бошида эга булиб, тухум бостирилганнинг 1 суткаларининг охирида солитларга, сегмент оёкчаларга ва спланхнотомга булинади. Мургаkning учиш жараёнида мургаk кисмларининг мургаkдан ташкари кисмлардан мургаkни ураб турувчи тана бурмаларининг ёрдами билан амалга ошади. Мургаk вараклари билан табакаланишига параллел сарик моддасининг мургаkдан ташкари кисмларини эктодерма, энтодерма ва мезодермани усиши – сарик коннинг ривожланиши озикланишнинг мургаkдан ташкари органи – нафас олиши, кон хосил килувчи органлари эмбрионининг мургаkдан ташкари орган хисобланади.

Курукликда яшовчи хайвонларда сарик халтадан ташкари амнист деб аталувчи органлар хосил булади. Улар мургакни ураб туради, шунинг учун мургак ёки хомила пардалари деб аталади. Пардаларда амнист аллантоис ва сероз кобиклари булади. Провизор органларнинг мезодермаси томирларнинг бошланиши булади. Улар мургак ташкараси, кон томирлари тизимини хосил килади. Парранда мургакнинг ривожланишида бир канча критик даврлар мавжуд бўлиб, улар озикланиши ва нафас олиши характери смена-си, этаплари тугри келади. Жумладан товук мургакнинг инкубациясининг 2 чи суткасида кон айланишнинг сарик доираси кон томирлари оркали ичакдан ташкари озикланиши вужудга келади. 13 суткада ютилган оксил билан ичак ичи озикланиши бошланади. 18 суткада утканда хомила сарик модда билан озикланишга утади. Тухумдан чиккандан кейин 4 қуни озика билан фасл озикланишга утади. Нафас олиши ҳам узгаради. 7-18 суткаларда эмбрион кислородни серозоллантоиснинг кон томирлари оркали олади. 18-19 суткаларда хаво камерасининг кислороди билан упка нафас олишига утади. Тухумдан чикиш даврида 20 кундан бошлаб чукилайди ва кислороди билан нафас олади.

1. Ёулдошли сут эмизувчиларнинг хомиласи яъни зиготаси – олиголециталь яъни худди ланцетникадагидай. Биро эрта эмбрионал очик ривожланишига уларнинг филогенетик тараққиётида катта из қолдирди – қадимги ренгалийлардан келиб чиқиши – телоциталдир. Сумкачилар, тухум қуювчилар билан ёулдошлилар орасидаги аниқ намоён булади. Она корни ривожланишининг келиб чиқиши бошлангич босқичларини намоён килади. Ёулдошли она корнидаги тараққиёт узок давом этади. Қорамолларда у 285-290 кунга яқин, отларда 335-333, чучкаларда 114, қуёнда 30 кунни ташкил килади. Ёулдошли сут эмизувчиларда булиниш тулик нотекис.

Бластомерлар ҳар хил катталиқда бўйлаб синхронлас булинади. Натижада мургак 3, 5, 9, 12 ва шунга ухшаш бластомерлардан ташкил топиши мумкин. Булиниш натижасида майда ёруғ бластомерлар хосил булади. Морула хосил булади, у қиска мавжуд бўлиб, чунки ёруғ ва қоронги бластомерлар уртасида оксил суюқлиги билан тулган бушлик вужудга келади – ёруғ бластомерлар хосил булади.

Булиниш ялтирок парда ва оталаниш пардасининг танасида - тухум йулида бошланади ва бачадонда давом этади. Булиниш чучкада – 3 кун, қуйларда – 4 кун, сигирларда булинувчи зигота тухум йуллари бўйлаб 4 кун, 15-16 бластомердан ташкил этувчи морула стадиясида бачадонга киради, у ерда булиниш яна 4 кун давом этади. Булинишнинг охирида гастрюляциянинг бошида тухум пардалари эриб кетади. Трофобласт актив суюқликни бачадон суюқлигидан шимиб олади ва мургак қучли усишни бошлайди. Асосан анготрофобласт катталашади. У қавш қайтарувчиларда ипсимон шаклни олади. Чучка ва отларда овал шаклда булади.

Гастрола асосан диламинация йули билан хосил булади. Шунингдек иммиграция йули билан хосил булади. Натижада мургак диски хосил бўлиб, унинг эктодермаси трофобластга якинлашади. Эктодерма бластоциста бушлигига якинлашади. Мургак дискиннинг урта чизиги бўйлаб хужайра материалнинг морфогенетик характерлари натижасида эгатли бирламчи чизик ва чукурчали бирламчи тугунча хосил булади. Мургак варақчаларнинг табакаланиши охириги томондан бошланади. Чучкаларда 14 кундан, куйда 15 кундан, сигирларда 19 кундан нерв пластинкасини табакаланиши бошланади. Мургак варақаларнинг табакаланиши билан бирга вақтинча мургак органларининг ривожланиши содир булади: сарик халта, амнион, аллантоис, хорион, йулдош.

Сарик халта – қавш қайтарувчи ва чучкаларда мургақларини озикланишида ҳеч қандай муҳим ролни уйнамайди. Амнион – бутун корнидаги эмбрионни ураб турувчи сувли парда ҳисобланади. Аллантоис – куйларда 16, сигирларда 20, чучкада 15 суткада пайдо булади. Утез усади. Амнион ва хорион уртасидаги фазони эгаллайди. Хорион (тери) йулдошли сут эмизувчиларни бутун тараккиёти даврида мавжуд бўлувчи ташки парда ҳисобланади.

Йулдош юкорида баён этилган провизор (вақтинча) органлар асосида мургак даврининг охирида пайдо булади ва у бугозликнинг меъёрида кечишини унинг охиригача таъминлайди ва мавжуд булади. Йулдош 2 қисмдан: мургак (хомила), она (бачадн)дан ташкил топади. Турли оила, хайвонларининг йулдошлари ривожланиш даражаси ва ворсинкаларнинг хорионда жойлашишига қараб бўлинади. Хайвонларнинг эмбрионал ривожланиши давомида критиук даврлар мавжуд булади яъни эмбрион анча ташки ва ички таъсирларга сезгир бўлиб қолади. Тухумдонлар гипофиз, калконсимон без, ошқозон ости безлари, шунингдек хомиланинг гормонал функцияси бузилганда уз-уздан бола ташлаш, хомилани она корнида нобуд бўлиши ёки уни ривожланишида орқада қолиши содир булади. Хомилани ривожланишига озиклантириш даражаси онанинг раиси характери таъсир этади. Онанинг қупайтирилган озиклантириш ижобий таъсир этади, озиклантиришга микроэлементлар ва витаминлари қушилиши хомилани ривожланишига таъсир этади.

Саволлар:

1. Ланцетник қандай хайвон?
2. Амфибияларнинг ривожланиш хусусиятлари қандай?
3. Балиқларнинг ривожланиш хусусиятлари қандай?
4. Қушлар қандай ривожланади?
5. Сут эмизувчилар ривожланиши қандай булади?

5-МАВЗУ: ТУКИМА ХАКИДА ТУШУНЧА. ЭПИТЕЛИЙ ТУКИМАЛАРИ

Режа:

1. Тукима хакида умумий тушунча. Онтогенезда тукиманинг шаклланиши.
2. Тукималар классификацияси ва узаро боғликлиги.
3. Тукималарда регенерация, кайта тузилиши ва метаплазияси
4. Тукималарни урганишнинг ахамияти.

Адабиётлар: 1, 2, 3, 4, 5, 6.

1.Тукима – бу куп хужайрали организмнинг тарихий филогенетик ривожланиши жараёнида вужудга келган, муайян бир физиологик вазифани бажаришга ихтисослашган хужайра ва хужайралараро элементлар (структуралар) мажмуасидан таркиб топган тузилма. У ҳам узига хос бир система, чунки бир эмас, балки бир неча элементдан: хужайра ва хужайралараро моддалардан ташкил топган бўлади. Тукималарни урганишда дастлаб уларнинг эволюциясига мурожаат қилиш керак. Бу жараёни урганувчи предмет эволюцион гистология деб аталади. Одам ва хайвонларнинг эмбрионал ривожланиши билан танишар эканмиз, жинсий йул билан купаядиган барча куп хужайрали организмлар икки жинснинг шапloid хужайралари қушилишидан вужудга келади. Эмбрион муртагидан ҳосил булган ва кам талабакаланган хужайраларнинг ривожланиши натижасида (онтогенезда) тукима пайдо бўлиш жараёни гистогенез деб аталади.Маълумки, хужайралар табакаланиб бориши билан бир вақтда уларнинг сони ҳам ортиб боради, ҳажми ҳам катталашади, бунга узиш жараёни дейилади. Одатда, тукималарнинг шаклланишигача булган давр, яъни жинсий хужайралар қушилиб, зигота ҳосил қилганидан бошлаб то тукима шакллангунча булган давр турт даврга бўлиб урганилади: 1) остипик давр: 2) бластомер даври: 3) муртак даври: 4) тукима (гистогенез) даври.

Хозирги вақтда тухум хужайра ёки зиготанинг ривожланиши даврида келгуси ҳосил буладиган тукима қисмларини тахминан аниқлаш мумкин. Хужайранинг ана шу қисми тақсимлашиб бориб, келажакда ундан у ёки бу тукима шаклланади. Бунга презумтив (бошлангич) урчуқлар дейилади. Бластомер даври остипик даврнинг давоми бўлиб, бунда зигота бўлиниши натижасида куплаб бластомерлар, яъни узига хос мустақил хужайралар ҳосил була бошлайди. Муртак даврида эмбрионал ривожланишнинг бластула даври тугаб, муртакнинг бошлангич урчуқлари ҳосил була бошлайди. Тукима (гистогенез) даврида тукима урчугидан узига хос тузилган ва муайян вазифаларни бажаришга мослашган етук тукималар етишиб чиқади.

Демак, табакаланиш (дифференцияланиш) жараёни деганда, уз регионида узига хос моддалар алмашинувига эга булган, натижада узига хос морфологик тузилишга ва физиологик вазифани бажаришга олиб келадиган жараён тушунилса, хужайра ва тукималар табакаланиши (дифференцияланиши) деганда, бир хил хужайра ва тукималарда фарқланиш юзага келиши, уларнинг онтогенез жараёнида ихтисосланишга сабаб буладиган узгаришларга учраши тушунилади.

1. Тукималар тузулиши, вазифасига ва ривожланиш хусусиятларига қараб бир оз шартли равиҳда бир неча гуруҳга бўлинади. Эпителий туқимаси организмнинг жуда қўп қисмида учрайди ва ҳар қайси вазифасига қўра бошқасидан фарқ қилади. Чунончи, ясси эпителий – у асосан ички органларнинг ташқи муҳит билан боғланмаган бўшлиқ юзаларини қоплаб туради ва чарви, уқанинг плевра пардаси ва юрак ҳалтачаси юзасини қопловчи вазифаси билан бирга трофик ва химия вазифаларини ҳам утайди. Кубсимон ва цилиндрсимон эпителий ҳужайралари бўйрак каналчалари деворида ва ташқи секреция безларининг кичик ва катта диаметрдаги чиқарув каналчалари деворида ҳамда қалқонсимон без ва овқат ҳазм қилиш системасининг деворларида учраб узиға ҳос махсус физиологик вазифаларни бажаради. Қўп қаторли қиприкли эпителий ва қўп қаватли эпителий ҳам узиға ҳос морфологик тузилишға эға бўлиб, турли хил вазифаларни бажаради.

И.Лейдиг билан А.Келлингер бу класссификацияни яна ҳам мукаммал

урганиб, тақсимлаштириб туқималарни турт гуруҳга бўладилар. 1) эпителий: 2) бириктирувчи туқима ва қон : 3) муқкул: 4) нерв туқимаси. Туқималарни бир-биридан қуйидагича фарқ қилади.

1. Чегараловчи туқима – эпителий туқимаси назарда тутилади, яъни химоя вазифсини бажарувчи туқима
2. Ички муҳит туқималари – моддалар алмашинувида иштирок этадиган, таянқ ва механик вазифаларни бажарадиган туқималар.
3. Муқкул туқимаси – организмнинг ички ва ташқи органлари ҳаракатини таъминловчи туқима.
4. Нерв туқимаси – ташқи ва ички таъсиротға жавоб бериш (реакция қўратиш) хусусиятиға эға туқима.

Эпителйй туқимаси узиға ҳос морфологик тузилишға эға бўлиб, Ҳужайралари зич, яъни қатлам-қатлам бўлиб жойлашқан. Бу туқима орқали организм билан ташқи муҳит уртасида моддалар алмашинуви содир бўлади. Бундан ташқари, химоя қилиш, суриш, секреция ва экскреция қилиш хусусиятларига эға бўлган эпителийлар ҳам бор. Қон ва лимфа томирларни тулдириб туради. Моддалар алмашинувида узиға ҳос муҳим вазифаларни бажаради. Бириктирувчи туқима. Бунға сийрак бириктирувчи туқима, тоғай ва суяқ туқималари қиради. Муқкул туқимаси. Организмда морфологик тузилиши ва жойлашқан урниға қўра икки хил, яъни силлик ва қўндаланг йўлли муқкул туқималари учрайди. Муқкулларнинг асосий вазифаси организмнинг ташқи ва ички органлари ҳаракатини таъминлашдан иборат.

Силлик муқкул асосан ички органларнинг муқкул қаватини ташқил қилади ва ритмик қисқариб турарқан, ҳеч қачон чарчамайди, одам ёки хайвон ихтиёрсиз ҳаракатланиб туради. Қўндаланг йўлли муқкул асосан скелет муқкулатурасини ташқил этиб, тез қисқариб, тез чарқайди. Силлик муқкуллар мезенхимадан, қўндаланг йўлли муқкуллар мезодермадан ривожланади.

Нерв тукумаси. Нерв хужайралари асосан нейронлар билан нейроглиядан ташкил топган. Одам ва хайвонлар организми бир бутун булиб, уларнинг орган ва системалари билан физиологик хусусиятлари бу бирликни таъминлаб туради. Хар бир орган бир неча тукумалар йигиндисидан ташкил топган, масалан, овкат хазм килиш системасидаги органлар таркибида эпителий, бириктирувчи тукума, силлик мускул, нерв тукумалари, безлар ва бошка тукумалар бор. Хуллас, хар бир органнинг таркибида учрайдиган тукумалар йигиндиси биргаликда шу органнинг физиологик ҳолатини таъминлашда бевосита иштирок этади. Узаро богликлик факат тукумалар орасида эмас, балки бир хил тукуманинг хужайралари орасида ҳам мавжуд, яъни “кариндош” хужайралар узаро боглик булади.

3. Регенерация организмнинг ташки мухит омиллари таъмирига мослашуви натижасида таксимлашиб борадиган ёки хар хил сабабларга кура нобуд буладиган хужайралар, тукумалар ва органлар урни копланиб турадиган ва тикланадиган жараёндир. Регенерация уч хил: физиологик регенерация, реператив регенерация, патологик регенерация булади. Физиологик регенерация – кундаланг нормал ҳаёт давомида яшаб, эскириб, нобуд буладиган тукума хужайралари урнига яъни хужайралар бунёдга келишидир. Реператив регенерация – бу регенерациянинг физиологик регенерациядан фарқи шундаки, бунда тукума хужайралари физиологик эскириш (нобуд булиш) натижасида янгидан ҳосил булмай, балки патологик натижасида нобуд булиб, емирилиб, янгилари вужудга келади. Патологик регенерация – хар хил сабабларга кура, патологик жараёнлардан кейин тукума хужайраларининг нобуд булиши ва урни тулдирилишига патологик регенерация дейилади. Айрим ҳолларда регенерация жараёни кучайиб кетиб, ортикча тукумалар ҳосил булишига сабаб булади, бунга сеперрегенерация дейилади. Регенерация тулик ва чала булиши мумкин. Тулик регенерация реституция деб юритилади. Чала регенерация, яъни субституцияда жароҳатланган жой асли тукумага ухшаш тукума билан тулдирилмасдан, балки бириктирувчи тукума билан тулдирилади ва аста-секин зичлашиб, буришиб чандикка айланади. Юкорида айтилган ҳолатлар купинча регенерация буладиган метаплазия (тубан узгариш) асосида юзага келади. Маълумки организмдаги барча тукумалар морфологик ва физиологик жихатдан узига хос тузилган. Уларда содир буладиган регенерация жаёнлари натижасида узига хос хужайра элементлари ва хужайралараро ҳосил булиб туради. Тукумаларнинг ана шу хусусиятига детерминация дейилади. Метаплазия патологик ҳолатларда ҳам, эксперимент материалларида ҳам булиши мумкин. У иккига булиб урганилади: 1) тугри, яъни бевосита метаплазия; 2) билвосита, яъни янгидан ҳосил буладиган метаплазия. Бевосита метаплазия деб, бир тукума хужайраларининг купаймасдан бошка тукумага айланишига

айтилади. Билвосита метаплазиянинг асосини хужайраларнинг купайишидан деб тушунмок керак.

4. Маълумки, ҳар бир тирик мавжудотнинг уз эволюцияси бор, худди шунингдек, тукималарнинг ҳам эволюцияси бор. Чегараловчи тукима хайвоннинг ташки юзасида жойлашган булиб, озик моддаларни камраб олган, уни ҳаракатлантириб турган ва бирламчи жавоб берадиган булган. Ички мухит тукимаси эса моддалар алмашинувини таъминлаб турган ва ташки мухит билан организм уртасидаги боғловчи функциясини бажарган. Ички мухит тукималари эса бу каватга келиб организмнинг ички бушлиги пардаларини, скелет тукималарини, кон, лимфа, асл бириктирувчи тукима каби бир талай тукималарни ҳосил килади. Ҳар қайси тукима бу – эпителий тукимаси, ички мухит тукимаси (таянч ва химоялаш тукималари), мускул тукимаси ҳамда нерв тукимасидир. Эволюция жараёнида хайвонларнинг тузилиши мураккаблашиб борар экан, тукималар ҳам турли хилда шаклланиб боради. Бинобарин, олдинги аجدодларда булмаган янги-янги тукималар бунёдга келади. Шундай қилиб, организмнинг жами функциясини таъминлайдиган тукималар – нерв тукималари билан ички мухит тукималари (таянч-трофик тукималари ва химоя тукималари) аксариат дивергенция йули билан табакалашган, яъни дифференциялашган булиб чиқади. А.Н.Северцов ҳам эволюцион морфологияга асос солган олимлардан бири. Унинг фикрича ҳам, эволюция жараёнида организмнинг орган ва системаларида буладиган узгаришлар тукималарга ҳам мансубдир.

Саволлар:

1. Тукимага таъриф беринг?
2. Қандай тукималарни биласиз?
3. Тукима регенерацияси нима?
4. Метаплазия нима?
5. Тукималарнинг қандай аҳамияти бор?

6-МАВЗУ: ТАЯНЧ-ТРОФИК ТУКИМА ТУЗИЛИШИ

Режа:

1. Зич бириктирувчи тукима. Пластинкасимон ретикуляр ёғ тукималари.
2. Тоғай тукимаси, ривожланиши ва регенерацияси.
3. Суяк тукимаси, гистогенези, унинг мезенхимадан ривожланиши.
4. Тоғайдан суяк тукимасининг ривожланиши.

Адабиётлар: 1, 2, 3, 5

1. Умуртқали хайвонларнинг таянч тукималари уз компонентлари билан сийрак бириктирувчи тукималардан фарқ қилмайди. Уларнинг асосий хужайра элементлари ҳам фибробластлардир. Зич бириктирувчи тукима таркибида механик элементлари қуплиги билан фарқ килади. Уларнинг толалари зич жойлашган булади, демак, тукима мустаҳкамлигини таъминлайди. Зич бириктирувчи тукима коллаген толачаларининг жойлашишига қура шаклланмаган зич бириктирувчи тукима ва шаклланган зич бирикти-

рувчи тукумага булинади. Тукуманинг бу турини “шаклланмаган” дейилишига сабаб коллаген толачалар тутамларининг тартибсиз жойлашган булишидир. Бу тукумага терининг тур кавати, бугимлар ва ички органлар устини коплаб турувчи капсула тукумалари киради. Айрим вақтларда шаклланмаган ва шаклланган бириктирувчи тукумаларни бир-биридан ажратиш кийин. Шаклланмаган зич бириктирувчи тукума организмда асосан механик вазифани бажаради.

Шаклланган зич бириктирувчи тукума – бу тукумани ажратиб турувчи асосий фарк унда коллаген ва эластик толалардан ташкил топган тутамлар бир-бирига нисбатан муайян тартибда жойлашган булишидир. Шаклланган зич бириктирувчи тукума пайлар ва бойламларда, фибриоз мембрана (пластинка) ва пластинкасимон бириктирувчи тукумаларда учрайди.

Пайлар. Одамда ва сут эмизувчи хайвонларда таянч ва ҳаракат органларига кирувчи пайларда коллаген толалар тутамлари бир-бирига нисбатан зич, параллел жойлашган.

Бойламлар. Шаклланган зич бириктирувчи тукумаларда яна бири бойлам тукумаларидир. Фиброз мембрана (пластинка)га фасция, апоневрозлар, диафрагманинг пайли кисмлари, ички органлар капсулалари, тоғай ва суяк устки пардаси, мойк ва тухумдоннинг оксил пардаси киради. Пластинкасимон бириктирувчи тукума фиброз мембрананинг бир тури булиб, айрим ички органлар деворида ёки уларнинг устки катламида учрайди. Пластинкасимон бириктирувчи тукумани микроскопда қурилганда купрок узунасига, айрим органларда кундаланг ёки тартибсиз жойлашган коллаген толачалардан ташкил топганлиги, улар орасида усимтали фибробласт хужайралар борлиги кузга ташланади. Тукумаларнинг асосий вазифаси учрайдиган органларнинг эластик ҳолатини таъминлашдан иборат. Асосан доимий ҳаракатда булиб турадиган органлар деворида учрайди. Ретикуляр тукума бириктирувчи тукумалар каторига кириб, турсимон тузилишга эга. Асосан ретикуляр хужайра ва ретикуляр толачаларидан ташкил топган.

Ёғ тукумаси хайвонлар организмда учрайдиган бириктирувчи тукума каторига киради. Ёғ тукумаси хужайра ва унинг цитоплазмасининг ёғ киритмаларидан иборат. Ёғ тукумаси организм учун факат озиқ ва энергия манбаи ҳисобланмай, сув манбаи ҳам ҳисобланар экан. Организмда сув етишмаса, унинг эриши тезлашади. Умурткали хайвонларда икки хил – ок ва кунгир ранг ёғ тукума бўлади. Ок ёғ тери остида, корин деворида ва думба ҳамда чарвида куп йигилади.

Кунгир ёғ тукума ёш болаларда ва кишда узок вақт уйкуга кетувчи айрим умурткали хайвонларда учрайди. Буларда ёғ бўйин кисмида, умуртка поғонаси бўйлаб ва қураклар уртасида учрайди. Ок ёғга нисбатан 20 марта куп энергия беради. Бу ёғ тукума қушларда ҳам топилган.

2. Тогай тукумаси морфологик тузилишига кура, рифожланиши ва вазифасига кура бошка тукумалардан тубан фарк килади. Убириктирувчи тукумалар каторига киради. Тогай, организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида бириктирувчи тукумалар ҳосил буладиган эмбрионал тукумадан, яъни мезенхима хужайралардан таркалади. Тогай организмда таянч, механик ва бириктирувчи вазифани бажаради. Тогайда моддалар алмашинуви унинг устини ураб турган тогай устки пардаси оркали содир булади. Нерв толалари билан таъминланиги ва иннервацияси ҳам шу парда оркали амалга ошади. Тогай тукумаси ҳам бошка бириктирувчи тукумаларга ухшаб, тукума хужайралари ва оралик моддадан ташкил топган. Тогай тукумаси хужайралари тузилиши ва вазифасига кура хондроцит ва хондробластларга булинади.

Хондроцит тогай тукумасининг асосий кисмини ташкил этади. Ёш тогай хужайраларида митохондрийларнинг сони одатда куп булади, бошка органоидларнинг шакли ҳам аник қуринади. Хужайралар қариб борган сари митохондрийларнинг сони камайиб, органоидларнинг шакли қуринмайдиган бўлиб боради. Хужайраларда содир буладиган бундай жараён регрессив узғариш дейилади.

Хондробласт кам табакаланган ёш хужайра бўлиб, шакли ясси, урта-сида битта ядроси бор. Хондробласт доим купайиб туриш хусусиятига эга. Тогай пардасининг асосий аморф моддаси протеин ва углеводдан ташкил топган. Тогай тукумаси таркибида толачалар ва хондромуксид модда ноте-кис жойлашганлиги учун буялиши ҳам турлича булади.

Гиалин (ялтирок) тогай тукума. Гиалин тогай организмда учрайди-ган тогайларнинг асосий кисмини ташкил этади. Гиалин тогай нафас олиш системасининг ҳаво утадиган найсимон кисми билан эмбрион скелетининг купгина кисмини ташкил этади. Хондробластларнинг булиниши натижаси-да ҳосил булган ёш хондроцитлар аста-секин ажралиб чикиб, тогай тукума хужайрасига – хондроцитга айланади. Тукуманинг ички каватларида хон-дроцитлар овалсимон ёки говак булади. Айрим хондробластларнинг були-ниши натижасида ҳосил булган хужайралар бир-биридан узоклашиб кетмай битта капсула ичида қолиб, хужайра гуруҳини ҳосил килади. Бундай гуруҳ-га изоген гуруҳ дейилади.

Микроскопда кичик объектив оркали караганда хужайра капсуласи овалсимон ёки юмалок шарчаларга ухшаб қуринади. Шунинг учун улар хондрин шарчалари ҳам дейилади. Хар бир шарча бир-биридан маълум масофада жойлашади. Организм қариган сари мана шу масофа узоклашиб боради. Хондрин шарчаларининг атрофидаги тук буялган хужайралараро модда территориял модда дейилади. Шарчалараро масофада жойлашган хужайралараро модда интертерриториял модда дейилади. Тогайнинг асо-сий аморф моддаси юкори молекулали полианин, галактозамингликол, гли-

козамингликал, хондрисульфат, кератсульфат, гиалуронат ва сидаат кислота, гепариндан ташкил топган. Эластик тоғай тукима бошка тоғайларга нисбатан кам таркалган, лекин организм учун муҳим булган органларда учрайди. Эластик тоғайнинг бошка тоғайлардан асосий фарқи хужайралараро моддасида коллаген толачалардан ташкари куп микдорда эластик толачалар булишидир. Тоғай устки пардаси зич бириктирувчи тукимадан таркиб топган булиб, организмдаги тоғайлар устини коплаб туради. Микроскопик тузилиши яқкол чегарага эмас, икки каватдан ташкил топган: 1) ташки (каттик) атрофдаги тукималарга бевосита туташиб кетган кават; 2) ички (юмшоқрок) кавати. Бевосита тоғай тукима устига ёпишиб туради, унга хондроген кават ҳам дейилади. Тоғай тукиманинг ривожланишида иккила жараён деярли барабар кечади. Тоғай организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида мезенхима хужайраларидан келиб чиқади. Дастлаб хужайралар шаклини узгартиради, усимталари йуколади, сунг купаяди. Хосил булган хужайралар аста-секин овалсимон ёки юмалок шаклга айланади, бир-бирига яқинлашади, уларнинг цитоплазмасида ҳам бир йула узгариш булади. Мезенимада тукиманинг шундай қисмларига скелетоген пуштлар ёки скелетоген тукима дейилади. Мезенхима хужайраларидан аста-секин хондробласт хужайралари табакаланади. Одатда, интерцитал усиш, организмнинг актив шаклланиши даврида ва тоғайларда кечадиган регенерация жараёнларида содир булади. Натижада бу хужайраларда купайиш хусусияти аста-секин суниб, улар дистрофияга учрайди. Тоғай тукимасининг регенерацияси жараёнида тоғай устки пардасининг комбиал хужайралари билан тукима ичидаги ёки хондрокитлар иштирок этади.

3. Суяк тукимаси таркибида оҳакланган хужаралараро моддалар тутадиган бириктирувчи тукима булиб, суяк скелетининг асосий структура компоненти хисобланади. Суяк тукимаси хужайралари бажарадиган физиологик вазифаси ва морфологик тузилишига кура учга булинади: остиобласт, остицит ва остиокласт хужайралар.

1. *Остиобласт хужаралар кам табакаланган битта ядроли суяк хосил килувчи хужайра булиб, суяк тукимаси хужайралараро моддаси билан асосий модда учун керакли модданинг синтез килиб беради.*

2. *Остиоцитлар етилган, юкори даражада табакаланган, суяк тукимасининг асосини ташкил этувчи хужайралар жумласидандир. Атрофи хужайралараро модда билан уралган. Остиоцитлар яссилашган юмалок ёки овалсимон шаклда булиб, атрофидан каналчасимон бир нечта усимта чикарган. Остиокласт хужайралар тоғай ва суяк хужайраларини бузиш хусусиятига эга. Усимталар ичида куп микдорда дизосомаларга ухшаиш вакуслалар учрайди. Хужайра усимталарининг ичидаги лизосомаларда гидролитик ферментлар куп. Остиокласт хужайраларнинг хужайралараро моддаси билан туташган жойларда мада бушликлар ёки лануналар хосил булади.*

Суяк тукимасининг каттик булишига асосий сабаб унинг таркибида коллаген (фабрил) ва минерал тузларнинг куплиги ҳамда улар бирикмасининг мустахкамлигидир. Суяк тукимасини қуйдириш йули билан таркибидаги органик моддалар ажратиб олинса, у холда суяк уз шаклини саклаб

колади, лекин мурт булиб колиб, осон майдаланиб кетади. Организм ривожланиши даврида суяк тукумасида кальций тузларининг йиғилишидан олдин тукима фибриллалари ҳосил булади, улар орасига тузлар йиғилади ва бир-бири билан мустаҳкам бирикади. Коллаген толачалар хужайралараро модданинг каерида ва кандай йуналишда жойлашганлигига караб суяк тукумаси: дагал толали суяк тукумаси ва пластинкасимон суяк тукумасига булинади.

Дагал толали суяк тукумаси купрок эмбрион скелети суяқларини ташкил этади. Катта организмда эса катта суяқлари чеккаларининг юзалаарида, пайларнинг суяқларга бирикадиган жойларида учрайди. Суяк тукумасининг устини суяк устки пардаси ураб туради.

Пластинкасимон суяк тукумаси мураккаб тузилган булиб, скелет суяқларининг талайгина ташкил этади. Пластинкасимон суяк тукумасининг асосий қисми суяк пластинкаларидан иборат (номининг аталишига эътибор беринг). Суяк пластинкаларининг ораларида суяк хужайралари ётади. Битта кон томир атрофида жойлашган суяк пластинкалари комплексига остион ёки Гаверсов системаси дейилади. Найсимон узун суяқларда суяк пластинкалари бир неча шаклда учрайди. Улар жойлашишига караб туртга булинади. 1) ташки умумий ёки улкан пластинкалар: 2) урта остион пластинкалар: 3) оралик ёки қушимча пластинкалар: 4) ички умумий ёки улкан пластинкалар.

Ташки умумий ёки улкан пластинкалар – суяк тукумасида учрайдиган ҳамма остион ва бошқа қисмларни ташки томондан ураб туради.

Урта остион пластинкалар – асосан кон томир каналчаларнинг атрофида доирача булиб жойлашган пластинкалардан ташкил топган, уртасидан остион канал утади.

Оралик ёки қушимча пластинкалар тукумада учрайдиган барча остионлар, яъни Гаверсов системаси ораларини тулдириб туради.

Ички умумий ёки улкан пластинкалар – пастки томондан, яъни суяк канали томондан худди ташки умумий бош пластинкаларга ухшаб хар тамонлама ураб туради.

Суяк тукумаси асосан икки йул билан ривожланади. Биринчисида у организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида эмбрионнинг мезенхима тукумаси хужайраларидан ҳосил булса, иккинчисида суяк тукумаси тоғай тукумасидан ҳосил булади. Иккала ҳолда ҳам суяк тукумасининг ривожланишида мезенхима хужайралари бирламчи материал булиб хизмат килади. Суяк тукумаси организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида эмбрионнинг кам табақаланган мезенхима хужайраларидан пайдо булади. Суяк тукумасининг оралик моддаси ҳосил булишида остиобласт хужайралари асосий роль уйнайди. Остиобласт хужаралар, одатда икки қисмдан таркиб топган. Биринчиси ташки – перифирик қисми булиб, уни эктоплазма

дейилади. Иккинчиси ички кисми – буни эндоплазма дейилади. Умуртка-ли хайвонларда эмбриональ ва постэмбрионал ривожланиш даврида тоғай ту-кимасидан суяк тукумаси ҳосил булиши жараёнини узун найсимон суяклар ми-солида жуда яхши урганиш мумкин. Тоғай устки пардасида жойлашаган хон-дробласт ва ичидаги хондробласт ва ичидаги хондроцит хужайралар ҳисобига тоғайда шиддатли равишда ривожланиш жараёни кечади. Бу даврда тоғай тар-кибидаги гликоген моддаси куп булиб, аста-секин суяк тукумасига айланиш билан унинг миқдори камайиб боради ва охирида тугайди. Ривожланишнинг бошлангич даврида тоғай устки пардасига интенсив равишда кон томирлар ривожланиб, суякнинг кам табакаланган остиобласт хужайралари пайдо була бошлайди. Остиобласт хужайралар аста-секин суяк атрофини ураб олиб, даст-лабки дагал суяк тукумасини вужудга келтиради. Суяк тукумаси ривожлани-шининг бу даврига тоғай тукумасининг суяк тукумасига айланишнинг дастлаб-ки даври дейилади. Кейинчалик остиобласт хужайралардан остиоцит хужайра-лар ва хужайралараро модда ҳосил була бошлайди. Бундай йул билан тоғай-нинг суякка айланиш жараёни суякнинг диафиз кисмидан бошланиб, аста-секин эпифиз кисмига утади. Шундай қилиб, диафиздан бошлаб эпифиз томон кеча-ётган суяк тукумаси ҳосил булиш жараёни натижасида суякнинг тукума кавати калинлашиб боради.

Постэмбрионал даврда ҳам 23-25 ёшгача диафиз ва эпифиз чегараларида тоғайнинг суяк тукумасига утиш жараёни давом этади. Организмда узиш жара-ёни тухтамагунча бу жараён давом этади. Тахминан 25 ёшдан кейин узиш жара-ёни тухтаб, ҳамма тоғай тукумаси суякка айланиб боради. Суяк тукумасига таъсир этувчи асосий омиллардан бири истёғмоқ қилинадиган овқат таркиби-даги кальций ва фосфор етишмаслигидир. Суяк тукумасининг ривожланишига эндокрин бехлар махсулоти, яъни гормонлар махсулоти, яъни гормонлар ҳам катта таъмир курсатади. Калконсимон безнинг гормони етишмасилиги сабабли суяк тукумасининг ривожланиши сусайиб қолади ёки суяк тукумасининг риво-жланишида гипофиз безининг саматотроп гормони ҳам катта таъсир курсатади. У суякларда оксил модда синтезланиши тезлаштиради. Шу билан суяк риво-жланиши ҳам тезлашади. Бу эса акромегалия касаллигига олиб келиши мумкин.

Ёш организмда жинсий фаолият барвақт бошланса ҳам найсимон узун суяклардаги тукуманинг ривожланиши тезлашиши аниқланган. Суяк тукумаси узок вақт фаолият курсатмай қолган ҳолларда эса унинг таркибида остиокласт хужайралар қупайиб кетиб, тукумани емириб юборади. Суяк регенерацияси одатда, суяк синганида остиобластлар билан хондриобластларга айлана олади-ган қумик хужайралари билан суяк устки пардаси хужайралари фаолиятидан юзага чиқади. Баъзан шундай ҳам буладики, нормал ҳолатда суяк тукумаси булмайдиган жойда пайдо булиб қолади. Бу албатта, патологик ҳолат булиб, хусусан, буйракларда, улкада, калконсимон безда, қуз пардасида қузатилади. Суяк ҳосил булишининг бундай турини гетеротоп (эктопик) усул дейилади. Айрим суяклар регенерацияланиш хусусиятига эга булмайди. Масалан, қалла суягининг гүмбазии шикастланганда у қайта тикланмайди. Шикастланган жойда қакат фибриоз бириктирувчи тукума ҳосил булади ҳолос.

Саволлар:

1. Зич бириктирувчи тукима қандай тузилган?
2. Тоғай тукимасининг регенерация қандай бўлади?
3. Суяк тукимасининг гистогенези нима?
4. Неча хил суяклар бор?
5. Суякнинг қандай тоғайдан келиб чиқишини тушунтириб беринг?

7-МАВЗУ: МУСКУЛ ВА НЕРВ ТУЗИЛИШИ

Режа:

1. Скелетнинг қундаланг йулли мускул тукимаси.
2. Юракнинг қундаланг йулли мускул тукимаси. Силлик мускул тукимаси.
3. Нерв хужайраси, нерв учлари, нейроспектор хужайралар. Нейроғлиялар.
4. Нерв тукималарининг ривожланиши ва регенерацияси.

Адабиётлар: 1, 2, 3, 4, 5.

1. Мускул бу – қисқариш хусусиятига эга бўлган, тирик организмнинг у ёки бу бўлгани ҳаракатга келтирадиган орган: у аксарият, қундаланг йулли ва силлик мускул тукималаридан тузилган. Мускулатура – бутун гавданинг ёки унинг бирор қисмининг, органнинг мускуллар мажмуаси. Шунга қура мускулларни белгиларига қараб қуйидагича классификациялаш мумкин: 1) тузилиши бўйича: қундаланг йулли мускуллар. б) силлик мускуллар. в) иккиёклама қия мускуллар. 2) организмда жойлашиш ҳолати бўйича: а) ички аъзолар мускуллари. б) юрак мускуллари. в) осматик мускуллар. 3) функциялари бўйича: а) тоник мускуллар. б) тетаник мускуллар. в) қўлқдош (бекитиш) функциясига эга бўлган мускул тукималари. 4) келиб чиқиши бўйича: а) эктодермал мускуллар. б) энтодермал мускуллар. в) мезодермал мускуллар.

Скелетнинг қундаланг йулли мускул тукимаси асосини узун, қўп ядроли қора ва оқ дисклардан иборат толачалар ташкил этади. Ҳар бир толача юпка парда – сарколемма билан уралган. Ҳар бир мускул толачаси узига тегишли бириктирувчи тукимадан иборат қават билан урилиб туради. Бу қаватга эндомиозиум дейилади. Бир нечта шундай эндомиозиумлар йиғилиб битта тутам ҳосил қилади ва уларни ҳам бириктирувчи тукимадан иборат иккинчи бир янги парда ураб олади. Бу пардача перимиозиум дейилади. Битта ёки бир нечта мускулни ураб турган пардага фасция дейилиб, унга эпимиозиум номи берилган. Қундаланг йулли мускул толачалари қуйидаги компонентлардан таркиб топган:

1. Қисқарувчи аппарат. Бунга миофибриллалар қиради.
2. Таянч аппарати. Бунга плазолема, базал мембрана, тартибли жойлашган мис ва протофибриллалар, бириктирувчи тукимадан иборат пардалар.
3. Трофик аппарат. Бунга саркоплазма органондлари, митохондрийлар (мускул толачаларида уларни саркомалар дейилади). Гольжи комплекси ва эндоплазматик тур қиради.
4. Нерв аппарати. У нерв учларидан ташкил топган саватча ва нерв-мускул рецепторларидан ташкил топган.

Миофибриллалар қисқариши натижасида уларнинг охириги структура элементи бўлган йўгон ва ингичка миофиламентлар, яъни протифибрилларлар бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қилиб, ингичка протофибриллалар йўгон протофибриллаларнинг орасига қиради, бушашганида эса уз ҳолатига қайтади, бу уларнинг физиологик ҳолатидир. Мускул тукимасининг трофик аппарати

саркоплазма органоидлари, ядро ва ядроча, митохондрийлар киради. Оксил ва оксил булмаган айрим моддалар ҳам трофик аппаратига киритилган. Мускул толачасининг кейинги трофик элементларига саркоплазматик турни киритиш мумкин. Нерв – нерв тукумаси бирор тарзда шикастланиб, фаолиятдан тухтаса, шу нерв идора этувчи – иннервация килувчи мускул – мускул тукума шу захотиёк ҳаракатдан тухтайди. Натижада мускуллар фалажи касаллиги (шол) келиб чиқади.

2. Юрак мускули бажарадиган вазифасига ва микроскопик тузилишига кура айтиб утилган мускулларга ухшайди. Бу мускул силлик мускулларга ухшаб ритмик равишда кискариб чарчамайдиган хусусиятга эга. Миофибриллалари ингичка (актин) ва йугон (миозин) протофибриллалардан ташкил топган. Улар худди скелет мускулатурасидагига ухшаб сарколемма ичида гексагональ шаклда жойлашади. Юракнинг ритмик равишда кискариб туриши унда борадиган физиологик регенерацияни ҳам бир йула таъминлаб туради. Уз вазифасини утаб булган хужайралар регенерация жараёнида янгилари билан алмашиниб туради. Юракнинг мускул хужайралари ҳам, одатда, купайиш хоссасига эга. Маълум булишича, одам ва хайвонларнинг юрагида миокард инфаркти юз берганда улган мускул тукумаси урни ана шу механизмлар оркали тикланади. Одамда ва умурткали хайвонларда силлик мускул тукумаси асосан ички органларда булиб, улар ҳаракатни таъминлайди. Силлик мускуллар, одатда секин ритмик кискариб, чарчаш хусусиятига эга эмас.

Хозирги вақтда хужайра таркибида уч хил протофибрилл (миофиламен) толачалари булиши аниқланган: актин толачалар, миозин толачалар, оралик толачалар. Шунингдек, силлик мускул хужайраларининг атрофида коллаген ва эластик толачалардан таркиб топган турсимон қобик булиб, у ҳам таянч вазифасини бажаради. Силлик мускул хужайралари таркибида узига хос кискаришни таъминлаб берувчи уч хил оксил моддалар: актин, мистин ва протомиозин топилган. Организм қариб борган сари бошқа органларда булганидек, силлик мускулларда ҳам узғаришлар содир була бошлайди. Силлик мускул хужайраларнинг дастлабки ривожланиши ҳам эмбрион мезенхима хужайраларнинг миобластларга айланишидан бошланади. Эмбрион ҳаётининг туккизинчи ҳафтасида айрим ички органларнинг силлик мускул қаватларнинг тукумалари етарли даражада табакаланиб булади. Силлик мускул тукумалари ҳам бошқа тукумаларга ухшаб, физиологик ва регератив регенерацияланиш хусусиятига эга. Мускулнинг вазифасини утаб булган ёки атрофияланган хужайралар қайта купая бошлайди ва қеракли жойларни тулдириб туради. Силлик мускул хужайралари шароитга қараб, физиологик жиҳатдан жуда яхши мослашади. Масалан, хомиладорлик даврида бачадоннинг силлик мускул хужайралари узидан ун марта ортқ қузилиб, яна уз холига қайтади.

3. Нерв тукумалари жаъми бир бутун булиб, организмда юкори даражада ихтисослашган ва таксимлашган мураккаб нерв системасини ташкил этади. Нерв системаси оркали организмда доимо ташки ва ички муҳит билан узлуксиз боғланиш булиб туради. Хайвонлар организмда учрайдиган нейронлар узидан чиқадиган усимталарнинг сонига қараб қуйидагиларга булинади:

1. Униполяр (лотинча бир дегани) – бир кутбли, яъни бир усимтали нейронлар.
2. Биополяр (лотинча икки дегани) – икки кутбли, яъни усимтали нейронлар.
3. Мультиполяр (лотинча куп дегани) – куп кутбли, яъни куп усимтали нейронлар.

Униполяр нейронларнинг танасидан, одатда, битта усимта яккаланади. Биополяр нейронлар карама-карши кутбларидан иккита усимта чиқади. Нерв хужайраси морфологик тузилишига кура, тана, яъни перикарион ва усимталардан ташкил топган. Тигроид модда нерв хужайрасининг цитоплазмасида учрайдиган узига хос киритма булиб, гистологик препаратларда хар хил катталикда гранула (донача)ларга ухшаб куринади. Тигроид модда факат нейрон перикариони ва дендрид усимтаси таркибида учраб, аксон (нейрит) таркибида учрамайди. Нейроннинг физиологик вазифаси кучайганда ёки унга узлуксиз таъсир қилинса, тигроид модда аста-секин камайиб бориб хатто йуқолиб кетиши мумкин. Демак, маълум булишича тигроид модданинг микдори ва сифати нерв хужайраларнинг физиологик ҳолатига бевосита боғлиқ булади. Нерв усимталарининг уртасида унинг уқ қисми ётади, унинг устидан эса юмшоқ парда ураб туради. Бунга миелин парда дейилади. Миелинсиз нерв толалари куз, ҳамда аччик ва чучукни сезадиган органлар ва вестибуляр аппаратнинг нерв системасини ташкил этади. Миелинли нерв толалари организмда куп учрайди. Масалан, периферик ва МНС нейронлари миелинли нерв толаларидан ташкил топган. Аксоннинг айрим қисмларида миелин модда учрамайди. Бундай қисмлар бугимларга ёки Ранье бугимлари деб юритилади. Барча нерв хужайраси толаларининг учи узига хос тузилишга эга булган структуралар билан тугалланади. Бунга нерв охирлари дейилади. Бажарадиган ва морфологик тузилишга караб нерв охирларида уч хил булади: 1. Харакат (эффектор) нерви охирлари; 2. Сезувчи нерв охирлари (рецепторлар); 3. Нейронлараро синаполар.

Қундаланг йулли мускул толаларидаги харакат нерви учларига нерв-мускул (аксомускул) синаполари дейилади. Саркоплазма билан нерв учлари уртасида кичик 50 А га тенг бушлик булиб, унга синапс бушлиги дейилади. Нейронлараро синапслар нерв хужайраси қисмларининг бир-бири билан бирикадиган жойи булиб, улар асосан уч хил булади.

1. Аксосоматик синапс-биринчи нейроннинг аксон усимтаси, иккинчи соматик нейрон танаси билан туташган жой.

2. Аксодендритик синапс – бу, биринчи нейрон аксони билан иккинчи нейрон дендриди усимтаси туташган дой.

3. Аксоаксонал синапс. Иккита аксон усимтаси уртасида содир булиб маълум булишича, бундай синапслардан кузгатувчи таъсир утмайди. Ишлаб чиқарадиган медиаторларига караб, нейронлар ҳам хар хил булади:

1. Холинергик синапс (ацетилхолин ишлаб чиқаради).

1. Адренергик синапс (дофамин, норадреналин, яъни катехоламинлар ишлаб чиқаради).

3. Сератонин-эргик синапс. (сератонин ишлаб чиқаради).

4. Пептиэргик синапс (пептид ва аминокислоталар ишлаб чиқаради).

5. Электротоник синапс- бунда нерв хужайралари бир-бири билан зич бирикиб уртасида синаптик ёрик деярли қолмайди.

Гипоталамус сохасидаги нейросекретор хужайралар махсулотининг химиявий таркибига кура икки гурухга булинади: 1) пептидэргик хужаралар; 2) монаминэргик хужайралар. Нейроглиялар нерв тукумаларидаги ёрдамчи структура элементлари каторига киради. Улар нерв тукумаларида таянч, чегаралаб туриш, гомеостатик, химоя ва трофик вазифаларни бажаради. Нейроглия иккига булинади: макроглия-глицитлар ва микроглия-глиал макрофаглар.

1. Астроцитглия (астросцитлар) нерв тукумасида куп булади ва узига хос таянч вазифасини бажаради. Толали (фиброз) астоцитлар асосан марказий нерв системасининг ок моддаси таркибига учрайди.

2. Эпендимоглия (эпендимоцитлар) кубсимон бир катор жойлашган хужайралардир.

3. Олигодендрология (олигодендроцитлар) бошка глия хужайраларига нисбатан куп учрайди.

4. Мультипотенциал глия майда хужайра булиб, узидан талайгина усимталар чикаради.

Микроглиялар (глиал макрофаглар) организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида мезенхима хужайраларидан ҳосил булади.

4. Нерв тукумалари организмнинг эмбрионал ривожланиши даврида эктодермадан ҳосил булади, яъни дастлабки даврда эктодерманинг дорзал қисмида кам табакаланган, купайиш ҳусусиятига эга хужайралардан нерв пластинкалари ҳосил булади. Нейронлар ҳосил булишида дастлаб нерв системасининг узаги деб аталмиш нейробластлар ҳосил булади. Нейронинг шикастланган жойидан бўёгидаги кесик усимта емирилаётганда мультипотенциал глиал хужайралар билан астроцитлар нобул булмайди, аксинча зур бериб митстик булина бошлайди. Шикастланган нерв толаси урнида шу усулда янги толалар ҳосил булади.

Нерв тукумасининг хужайравий регенерацияси булмаслиги, хужайра ички регенерациясининг булиши унинг вазифасига боғлиқдир. Хужайра ичида регенерация булганда эса нейронларнинг боғланиши бузилмай қолади, хужайра ичидаги элементлар эса янгиланади. Нерв тукумаларининг бундай регенерацияси аниқлангач шу вақтгача фанда нерв хужайралари купаймайди хайвонлар эмбрионида канча нейрон булса, шунча нейрон билан яшаб утади, деган назарияга чек қуйилди.

Тукумаларнинг нормал патологик ҳолатлардаги тузилишини ёки узгаришини билиш билангина уларнинг функцияси ҳусусида аниқ ва тугри ҳулоса сикариш мумкин. Чунки тукумаларнинг тузилиши билан функцияси бир-бирига чамбарчас боғланган.

Саволлар:

1. Нима учун қундаланг йулли мускул дейилади?
2. Юрак мускулининг бошка мускуллардан қандай ҳусусиятлари билан фарк қилади?
3. Силлик мускул тукумаси қайси органларни ташкил этади?
4. Нерв хужайраси қандай деб номланади?
5. Нерв тукумасининг регенерацияси қандай содир булади?

8-МАВЗУ: ОРГАН ВА ОРГАНЛАР ТИЗИМИ.

Режа:

1. Хайвон гавдасининг кисмларга булиниши.
2. Суяклар, тери, хазм, нафас олиш, сийдик айириш органлари.
3. Купайиш, юрак-кон томирлари, лимфа тизими, кон хосил килувчи ички секреция безлари.
4. Нерв тизими, сезги, куриш, эшитиш ва мувозанат органлари.

Адабиётлар: 1, 2, 3.

Сут эмизувчи хайвонлар гавдаси: бош, буйин, кукрак, бел, думгаза ва дум кисмларидан иборат. Бош-икки кисмга: мия ва юз кисмларига, хар кайси кисм эса бир нечта булимга булинади: 1. Мия булимида: а) энса кисми биринчи буйин умурткасига туташиб туради; б) бош-тепа кисми-мия булимнинг юкори томонида: в) пешона кисми-тепанинг олдинги булимида: г) кулок кисми: д) ковок кисми: е) чакка кисми-кулок ва куз уртасида жойлашади. 2. Юз булимида: а) бурун кисми; б) куз ости кисми: в) бурун каталари кисми: г) юкориги лаб кисми: д) пастки лаб кисми: е) ияк кисми ва бошкалар жойлашади.

Буйин-юкориги, пастки ва урта кисмлардан иборат булиб, унинг пастки кисмидан кекирдак, кизилунгач ва буйинтурук вена утади. Таналка кукрак, бел-кукрак ва думгаза сагри булимларига булинади. Олдинги оёк уз камари ва елка суяги билан тананинг кукрак булимига кушилади. Бу булимда курак суяги, елка суяги, тирсак суягининг бугим атрофи билан суягининг тирсак атрофи, билакузук суяги, кафт суяклари, бармок суяклари кисмлари булади. Орка оёк тос камари билан думгаза суягига бириккан булиб, бир неча кисмга: сон суяклари, сакраш бугими, оёк-кафт суяклар ва бармок суяклари кисмларга булинади.

2. Суяк-таянч ва харакат органи булиб, скелет таркибида мураккаб тузилишга эга. Бундай тузилиш унинг функцияси ва ривожланиши билан боглиқдир. Суякнинг асосий кисмини пластинкасимон суяк тукимаси ташкил этади. Умуртка погонаси буйин, кукрак, бел, думгаза ва дум булимларидан иборат. Буйин ва думгаза булими умурткалари редукциялашган, чунки уларнинг ковургаси ва ковургасимон усимталари анчагина кискариб кетган, дум эса уз шаклини йукотиб, унинг танаси колган холос. Умурткаларнинг хаммаси бир-бирига якин умурткаси, айникас ухшаш, масалан, буйиннинг кейинги умурткаси кукракнинг биринчи умурткаси билан ухшашдир. Умуртка танаси – умурткаларнинг асосий кисми хисобланиб, шакли учбурчак-призмага ухшаш булади.

Скелетнинг буйин булими эгилувчан булиб, хар хил харакатларни бажариш, энг мухими бошни кутариб тушириш учун хизмат килади. Сут эмизувчи хайвонларнинг буйин умурткаси – 7 та булади. Буйин умурткаларнинг кейинги 5 таси бир-бирига ухшаш. Биринчи ва иккинчи буйин умурткалари тузилишига кура бир-биридан фарк килади.

Кукрак умурткаси – ҳар хил ҳайвонларда турли сонда, масалан, қавш қайтарувчи ҳайвонларда 13 та, 14-16 та, отларда 18 та, баъзан 17-19 та, итларда 13 та, одам ва туяларда 12 тадан бўлади.

Ковургалар – узун ясси суяқлардир. Қорамоллар ва қорақул қуйларнинг 13 жуфт кову́ргаси бўлиб, уларнинг бўйни узун, дунглигида эгарсимон ёй бўлади. Чучкаларнинг кову́ргаси 14-15 жуфт бўлади, уларнинг қирраси аниқ билиниб туради ва 1-7 кову́ргагача узайиб бориб, кейин қискаради танаси ингичка бўлади. Отларнинг 18 жуфт кову́ргаси бўлиб уларнинг бўйни қалта, қолган қисмлари нормал ҳолатда бўлади.

Туш суяги – бир неча булақдан тузилган бўлиб, улар чин кову́ргалар билан бирлашади. Қорамол туш суягининг орқа томони қенгайган дастаси қутарилган ва ривожланган кову́ргаси уйқлари 6 жуфт бўлади. Отларнинг туш суяги пона шаклида дастаси қутарилган уйғи 8 жуфт паст томонида тароғи бўлади.

Кукрак қафаси – қукрак умурткалари, кову́ргалар ва туш суягининг бирлашишидан ҳосил бўлади. Кукрак қафасида энг муҳим органлар: юрак, упқа ва қон томирлари жойлашган. Қорамолларнинг бел умурткалари 6 та бўлиб, уларнинг танаси узунроқ урта қисми торайган ён усимталари учли, чети қупинча уйқили бўлади. Қорақул қуйларнинг бел умурткаси баъзан 7 та бўлади. Чучкаларнинг бел умурткаси 7 та баъзан 6-5 та бўлади. Отларнинг бел умурткаси 6 та баъзан 5 та бўлади. Думгаза умурткалари 3 тадан 5-6 тагача бўлади. Қорамолларнинг думи узун 18-20 та умуртка суягидан иборат бўлади. қуйларнинг дум умурткаси 3 тадан 24 гача бўлади. Чучкаларнинг дум умурткаси 20-23 та бўлиб, уларнинг танаси узунроқ. Отларнинг думи қисқароқ умурткалар сони 18 та, баъзан 15-20 бўлади.

Қалла суяги – умуртка погонасининг олд томонида бўлиб, унда энг муҳим органлар бош мия, сезғи органлари жойлашган. Овқат ҳазм қилиш, нафас олиш системасининг бошланиш қисми ҳам бош скелетида бўлади. Бош скелети тана ҳаракатининг мувозанатини сақлашда ва атрофни аниқлашда ҳам муҳим роль уйнайди. Бош скелети тузилишига қура мия ва юз бўлимига бўлинади. Мия бўлими суяқлари – энса, понасимон, галвирсимон, тепа, тепааро, чакка, қулоқ ва пешона суяқларидан ташкил топган.

Қулоқ суяғи мураккаб тузилган бўлиб, упқа урта ва ички қулоқ жойлашади. Сургичсимон қисм – энса билан туташган бўлади. Юз бўлими суяқлари – оғиз ва бурун бушлигини ҳосил қилади. Уларга: бурун, юқориғи жағ, жағ оралиғи, танглай, қуз ёши, ёнғоқ қанотсимон, димоғ бурун қанонқлари, пастки жағ, тил ости суяқлари, чучкаларда қазувчи суяқ ҳам қиради. Тери қоплами – яъни тери ҳайвонлар танасини ташқи томондан ураб турадиган мураккаб тузилган пардадир. Организмнинг ташқи муҳит билан боғланишда ҳам тери муҳим роль уйнайди, чунки ҳайвон организми ташқи муҳит билан боғланиб таъсирларни сезади ва унга тегишли жавоб беради.

Тери коплами организми хар кандай микроб, бактерия ва бошқа ёт нарсалардан саклаш учун ҳам катта тусик ҳисобланади. Тери рецептор нерв хужайраларининг учлари оркали ички органларни ташқи муҳит билан боғлаб, уларнинг бир бутунлигини таъминлайди. Тери коплами фақат химоя вази-фасини эмас, балки таъсирини сезиш вази-фасини ҳам бажаради. Тери ко-ламнинг узгаришидан бир канча муҳим ҳосилалар келиб чиқади. Улар организмда хилма-хил функцияни бажаради.

Ҳазм органлари энг муҳим ва мураккаб тузилган система бўлиб, хай-вон организмнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам сод-да хайвонлар ҳазм органларининг тузилиши анча оддий бўлади. Хайвонлар ривожланиб борган сари, ҳазм органлари ҳам мураккаблашиб боради. Сув-да яшовчи умуртқасиз ва умуртқали хайвонларнинг ҳазм органлари нафас олиш органлари билан жуда ҳам боғлиқ бўлади, чунки улар ёнма-ён жой-лашади.

